

АҲАДЖОН ҚУРБОНОВ

РАДИОРЕЖИССУРА ОЛАМИ

О. А. Навоиёй номидаги
Ўзбекистон Миллий
художникасига сабтга
мурал маданияти
26.04.13 г.
М. А. Йосефи

Карши
«Насаф» нашриёти
2013 йил

76.031 - Радиорежиссюрия

УЎК 778, 6Ф2.124

КБК 85.374, 32.849

Қ 80

Дунёда касблар кўп. Барчасининг ўзига хос сир-синоати, жозибаси бор. Айрим касблар ўз соҳибидан жисмоний меҳнат талаб қиласа, баъзилари ақлий, яна ҳам тўгрироги, ижодий имконият талаб қиласди. Ижодий қобилият эса ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун муайян йўлни босиб ўтиш, билим ҳамда тажриба тўплаш лозим. Радиорежиссура ҳам инсондаги ижодкорликка, руҳият оламига дахлдор бўлган соҳалардан ҳисобланади. Бу касб ҳақида эҳтимол кўплаб илмий ишлар яратилган бўлиши мумкин, аммо унинг ички оламини, амалиётнинг нозик жиҳатларини очиб беришга багишланган расолалар ниҳоятда камёб. Шу маънода кўп йиллар давомида шу касбда ишлаб, анча-мунча тажриба тўплаган Аҳаджон Қурбоновнинг ушбу китобчасини айни йўналишдаги хайрли қадам, дея баҳолаш мумкин. Рисолада радиорежиссёр учун нима лозим бўлса, барчаси имконият даражасида очиб берилган. У ўқувчида ўзига хос таассурот қолдириши шубҳасиз.

Бадиий раҳбарлар:
Фарҳод РУЗИЕВ,
Давлат Турдалиев

Масъул муҳаррирлар:
Рузимахмат ИКРОМОВ,
Фарҳод ИМИНОВ

Муҳаррир:
Холиёр АБДИЕВ

Фотограф:
Беҳзод ҚОДИРОВ

Маслаҳатчилар:
Нодир КОМИЛОВ,
Садриддин МУҲИДДИНОВ

○ 4702620201-24 24-2013
376 (04) 2013

© А. Қурбонов, 2013 й.

© «Насаф» нашриёти, 2013 й.

ISBN 978-9942-18-127-4
Newly

2013/76

nomidagi

5886

O'zbekiston MK

СЎЗБОШИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигини қўлга киритган кундан бўён мамлакатимизда барча жабҳаларда улкан ислоҳотлар амалга оширилди. Дунё аҳли юртимизни таниди. Нафақат таниди, балки бугун республикамиздаги бунёдкорлик, юртдошларимиз қўлга киритаётган оламшумул муваффақиятларни кўриб, хорижликлар бизга ҳайрат нигоҳи билан боқмоқда.

Бу ўзгариш, бу ислоҳот, бу юксалишларни агар рамзий маънода маҳобатли бир саройга қиёс этадиган бўлсак, унинг бунёд бўлишида ҳар бир юртдошимизнинг ўзига хос ҳиссаси бор. Таъбир жоиз бўлса, рамзий сарой деворларига бармоқ изларимиз муҳр янглиғ зарб этилган. Эришилган муваффақиятлар, қучилган зафар ва забт этилган мэрраларга барчамиз ҳамкорлик, аҳиллик ва ҳамжиҳатлиқда етиб келдик. Истиқдол тамоилиларини кенг тарғиб қилиш, мустақилликни мустаҳкамлаш, аҳоли орасида келажакка қатъий ишонч туйгуларини уйготишдек умуммиллий ҳаракатда мамлакатимиз радиожурналистикасининг ҳам муносаб ҳиссаси борлиги бизга сурур бахш этади. Бу суурurbaxsh туйгуларни ҳис қилиш эса келгусида фаолиятимизни янада ишончли тарзда давом этиришга турткі бўлади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ барча соҳалар қатори телерадио тизимида ҳам жуда кўп ҳайрли ишлар амалга оширилди. Ушбу тизимни замон руҳига мослаштириш, уни ислоҳот ва ўзгаришларнинг фаол тарғиботчисига айлантириш масаласига жиiddий эътибор берила бошланди. Мамлакатимиз Президентининг 1992 йил 7 январдаги "Ўзбекистон Республикаси телевидение ва радиоэшиттириш Давлат Комитетини Ўзбекистон Давлат телерадиоэшиттириш компаниясига айлантириш тўғрисида"ги Фармонига асосан Ўзбекистон Республикаси телевидение ва радиоэшиттириш комитети Ўзбекистон Давлат телерадиоэшиттириш компаниясига айлантирилди. Президентимизнинг 1996 йил 7 майдаги Фармони билан эса жойларда ҳудудий бўлинмаларига эга бўлган Ўзбекистон телерадиокомпанияси ташкил этилди. Телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар стратегияси ва асосий йўналишларини белгилаш, ахборот соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, мамлакатда телерадиоэшиттириш ташкилотининг ривожланишини унинг Қорақалпогистон Республикаси ва вилоятлардаги, шунингдек хорижий давлатлардаги телерадиоташкилотлар билан ҳамкорликда ишла-

шини мувофиқлаштириш, телекүрсатув ва радиоэшилтиришлар фаолиятини ҳуқуқий таъминлашни такомиллаштириш мақсадида ўтказилган ушбу ислоҳотлар ўз даври учун муҳим аҳамиятга эга эди.

Истиқлол йилларида Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси таркибидағи корхона ва ташкилотлар энг сўнгти русумдаги юқори технологияли ускуналар билан таъминланди. Бу зса кўрсатув ҳамда эшилтиришларнинг техник жиҳатдан сифатли бўлишигагина эмас, гоявий-бадиий жиҳатдан юксалишига ҳам хизмат қиляпти.

Шу ўринда мамлакатимиз телерадио тизимидағи улкан ислоҳотларга ҳуқуқий асос бўлган яна бир нечта тарихий ҳужжатларни эслаб ўтишни ўз бурчим, деб биламан. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 ноябрдаги "Мустақил телерадиоканалларни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, 2005 йил 27 декабрдаги "Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2009 йил 1 апрелда имзоланган "Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси тизимида юқори технологияли телерадиоускуналардан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорларни фикримизнинг тасдигидир. Уларга биноан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси таркибидағи корхона ва ташкилотлар структуравий жиҳатдан қайта ташкил этилди. "O'zbekiston", "Sport", "Toshkent" телерадиоканали давлат унитар корхоналари ҳамда "Yoshlar" телерадиоканали ёпиқ акциядорлик жамияти фаолияти йўлга қўйилди. Уларнинг қатъий йўналиши, вазифалари белгилаб берилди. Шу билан бирга, улар ўртасида соглом рақобат муҳити вужудга келди, телерадиомаҳсулотларнинг сифати оширилиб, замон талаблари даражасига мослаштирилди.

"Ўзбекистон" миллий телерадиокомпанияси тизимида юқори технологияли телерадиоускуналардан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарор асосида Тошкент ахборот технологиялари университетида "Телевизион технологиялар" факультети ҳамда Тошкент шаҳар Бектемир туманида Республика телевидение ва радио касб-ҳунар коллежи очилиб, уларда телевидение ва радио учун юқори малакали техник кадрлар тайёрланмоқда. Айнан шу қарор асосида амалга оширилган ишлардан яна бири Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси медиамарказининг бутунлай янгидан барпо этилганлиги бўлди.

Фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг туб заминида сифатли, тингловчи ва томошабиннинг эҳтиёжини таъминлашга жавоб бера оладиган маҳсулот яратиш, деган масала яширинганд. Бунинг учун эса аввало технологиялардан фойдаланаадиган кадрларнинг малакасини ошириш, уларнинг касбий маҳоратини янада юксалтириш лозим бўлади.

Утган йиллар мобайнида юқорида келтириб ўтилган ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш юзасидан салмоқли ишлар амалга оширилди. Буни тингловчи ва томошабинларимиз эфирга узатилаётган кўрсатув ҳамда эшиттиришларнинг шаклу шамойили, интеллектуал даражаси ва дизайнидан кўриб, билиб, сезиб, ҳис қилиб туришибди. Албатта, телерадиомаҳсулотларнинг сифат жиҳатидан юксалишида муаллиф ва муҳаррирлар, инженер-техник ҳодимлар билан бир қаторда режиссёrlарнинг ҳам алоҳида хизмати бор. Тизимдаги муҳим янгиликлардан яна бири — FM диапазонининг пайдо бўлиши ҳисобланади. Сунъий йўлдош ва интернет орқали кўрсатув ва эшиттиришлар эфирга узатиш йўлга қўйилганлиги ҳам оламишумул ўзгаришларнинг узвий давомидир.

“HD” форматида эфирга чиқувчи янги “Uz.HD” каналининг ташкил топиши эса нафақат Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, балки бутун мамлакатимизнинг улкан ютуги, дейиши мумкин. Чунки бу форматта биз МДҲ давлатлари орасида биринчилардан бўлиб ўтдик. Худди шу йўналишдаги ишлар рақамли телевидениега ўтиш ишлари билан чамбарчас боғлиқ. Ҳеч кимга сир эмас, бугунги кунда дунёning кўплаб давлатларида рақамли форматдаги телевидениега ўтиш бўйича саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон ҳам бу борадаги ислоҳотларнинг яловбардорларидан бўлди, десак хато қилмаган бўламиз. 2012 йил 17 апрель куни мамлакатимиз Президентининг “Ўзбекистонда рақамли телевузатиша техник ва технологик ўтиш бўйича Давлат дастурини қабул қилиш тўгрисида”ти Қарори зълон қилинди. Бу йўналишдаги ишлар 2010 йилнинг 3-чорагидан бошланган бўлса, 2011 йилда ёк юртимиз аҳолисининг 37,5 фоизи рақамли телевидение билан қамраб олинди. 2012 йил якунлари бўйича эса бу кўрсаткич 42 фоизга етди. Бутунги кунда республикамизнинг барча ҳудудлари ҳамда Тошкент шаҳрида бу борада босқичма-босқич ишлар олиб борилмоқда. Тошкент шаҳри ва Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Андижон, Наманган, Фарғона, Қашқадарё вилоятларининг аксарият ҳудудлари ҳамда Қорақалпогистон Республикасида истиқомат қилувчи фуқаролар замонавий телевизор ёки рақамли тюнер-

ни харид қилган ҳолда, юқори сифатли тасвирдаги теледастурларни бемалол томоша қилиш имконига зга. Қарорга биноан мамлакатимизда рақамли телевидениега ўтиш икки босқичда амалга оширилади: I босқич — 2012-2015 ва II босқич — 2016-2017 йиллар. 2017 йилнинг охирига бориб юртимиз бўйича тўлиқ рақамли форматга ўтилади. Бу вақт мобайнида рақамли ва анонс телевидениелар параллел тарзда давом эттирилади. Бу борадаги мавжуд молиявий масалаларнинг аксарияти давлат томонидан ҳал этилади. Энг муҳими, соҳага оид ислоҳотлар босқичмабосқич, изчиллик билан давом эттирилмоқда. Хусусан, 2012 йил 30 июлда қабул қилинган “Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг рақамли телеканаллари сонини ошириш, улардан тўлиқ форматда фойдаланиш, сифатли бойитиш ва хизмат кўрсатиш тўғрисида”ги Қарори асосида бир йўла иккита — “Madaniyat va ta’rifat” ва “Dunyo bo’ylab” телеканалларининг ташкил этилгани ва 2013 йилнинг дастлабки кунларидан эфирга чиқа бошлагани эътирофга сазовордир.

Сизга тақдим этилаётган ушбу мўъжаз китобда телерадиотизимининг йирик ҳамда ажралмас қисми бўлган радиорежиссура, унинг кейинги йиллардаги тараққиёт тамойиллари хусусида сўз юритилади. Касб танлаш ёшидаги йигит-қизлар, шу йўналишдаги таълим муассасаларида таҳсил олаётган ёшлар, амалиёт ходимлари, шунингдек, ушбу соҳага қизиқувчи инсонлар учун мўлжалланган мазкур мулоҳазалар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди, деган умиддаман. Ўлайманки, уни мутолаа этишига сарфланган вақт бесамар кетмайди, аксинча ҳаётнинг шу пайтгача сизга мавҳум бўлган ёхуд ўзингиз кўп ҳам эътибор беравермайдиган томонлари хусусида баъзи маълумотларга эга бўлишингиз, муайян хуносалар чиқаришингизга имкон яратади.

Албатта, йиллар ўтаверади, тарих довонларининг ҳар бир босқичи ўзидан фақат ўзигагина хос бўлган ёрқин саҳифаларни қолдираверади. Уларни холис ва ҳаққоний нигоҳ билан кузатиш, тўғри хуносалар чиқариб, келгуси фаолиятимизда бу хуносалардан янада унумлироқ фойдаланиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

**Рузимахмат ИКРОМОВ,
“Sport” телерадиоканали директорининг
ўринбосари, “Mash’al” радиоканали
раҳбари.**

БИРИНЧИ ҚИСМ

РЕЖИССУРА ВА ҲАЁТ

РЕЖИССУРА ВА ҲАЁТ

Инсон табиатан жамоа бўлиб яшашга мойил. Бу хислат айниқса ўзбек миллати менталитетига чуқур сингиган. Чунки бизнинг ҳалқимизда жамоавий турмуш тарзининг дастлабки кўриниши бўлмиш оила муқаддас саналади. Уйда ҳар бир оила аъзосининг ўз ўрни, вазифалари мавжуд. Рўзгорни оила бошлиги — ота бошқаради. У хонадоннинг иқтисодий таъминотидан тортиб, оила шаъни ва обруси, фарзандлар тарбияси, қўйингки, шу мўъжаз қўргон билан боғлиқ неки вазифа бўлса, барчасига масъул. Бу жараёнда у биринчи галда онанинг маслаҳатлари, моддий ва маънавий кўмагига таянади. Шунингдек, уйда бош фарзанд, ўртанча ва кичик фарзандларнинг, ўғил болалар ва қизларнинг ҳам ўз ўринлари, вазифалари бор.

Ўзбекона турмуш тутумида маҳалла оиласдан кейинги муҳим жамоавий маскандир. Ўзбек маҳалласининг минг йиллардан буён шаклланиб келаётган ўз ўлчамлари, меъёр ва қоидалари мавжуд. Шу сабабли, миллий қадриятларимизга кўра маҳалла ота-онага қиёсланади. "Маҳалланг — ота-онанг", "Бир болага етти маҳалла ота-она" ва шу каби кўплаб ҳикматли сўзларимизда бу муносабатлар ўз аксини топган. Кимдир тўй қилишни режалаштирса: ўғил уйлантироқчи ёки қиз узатмоқчи бўлса, фарзандларнинг қўлини ҳалоллаб, элга ош бермоқни ният қилса, дастлаб маҳалла оқсоқоллари, фаоллари, кайвонилари билан кенгашади. Бу ажойиб тадбирнинг қачон ва қай шаклда ўтказилишини маҳалла улуглари белгилайди. Улар иштирокида тўйнинг бошланишидан то охригача қилиниши лозим бўлган ишлар тартиби белгилаб чиқилади. Бу жараёнда кимга қандай вазифа топширилиши аниқлаштирилади. Умуман олганда, бир хонадоннинг хурсандчилик куни маҳалла бошлиқлари, қўни-қўшниларнинг мадади билан чиройли тарзда ташкиллаштирилади. Агар эътибор берган бўлсангиз, аксарият ҳолларда тўйимизнинг тартибли ўтиши тўйбошининг салоҳиятига боғлиқ.

Аза ёки мотам маросимларида ҳам элнинг улуглари, кайвони-ю бошлиқлари олдинга чиқиши, бундай тадбирларни маҳорат билан бошқариб боришига кўп бор гувоҳ бўлган-



Устоз Раҳмат Жумаев (марҳум)



"Табассум" эшиттиришининг сони ёзиб олинишоқда.
Ўзбек радиорежиссурасининг даргаларидан бири Жавлон
Тошхўжаев (ўнгдан иккинчи), устоз Гулчеҳра Гиёсовая (ўнгдан
биринчи) ва бир гуруҳ санъаткорлар.



Устозимиз Гулчехра Гиёсова режиссёрлик пульти қаршиисида



Режиссёrlар Собиржон
Содиков ҳамда Шаҳноза
Нуридинова



Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган маданият
ходими Маъфура Мухамедова

миз. Хуллас, урф-одат ва анъаналаримизни чукур ўзлаштирган, ўзбекона қадриятларга меҳр қўйган, кимнинг нимага қодирлигини яхши билган ақлли инсонлар бошқараётган оиласда ота-онасига меҳрли, Ватанга садоқати юксак фарзандлар камолга етади. Оқсоқол кайвонилари комил бўлган маҳаллаларда тинчлик-тотувлик, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик устувор бўлади. Эҳтимол "оқсоқол" деган сўз бошқа тилларда ҳам мавжуддир, аммо бизда у алоҳида мазмунга эгалигини ҳам қайд этиб ўтмоқчиман.

Мен бугун ўзим тугилиб ўсган оила, улғайган маҳаллам ҳақида ўйласам, беихтиёр отамни ёки маҳалламиз улугларини режиссёрга қиёслагим келади. Умуман олганда эса, ҳаётимизнинг барча босқич ва бекатларида "режиссёр"лик қилаёттан кишиларга дуч келганимиз. Богчада тарбиячи опамиз, мактаб ҳамда олий таълим муассасаларида мураббийларимизни, керак бўлса синф ёки курс сардорларини ҳам қайсиdir жиҳатлари билан режиссёрга ўхшатсак бўлади. Улар бизнинг Ватанга содик фарзанд, жамиятта наф етказидиган, эл-юрт фаровонлигига хизмат қиладиган фуқаро, оиласпарвар ота ёки она бўлиб етишишимиз, қўйингки, ўз қиёфамизда яхши инсон тимсолини яратишишимиз учун ёзилган ва ёзилмаган "сценарийлар" асосида беминнат хизмат қиладилар. Демак, ҳаёт "саҳна"сининг ҳар бир "парда"сида биз "режиссёр"ларга дуч келамиз. Баъзан ўзимиз ҳам бу саҳнани безаш учун "режиссёр"лик қилганимиз, бундан кейин ҳам қилаверамиз.

Шулар ҳақида ўйлар эканман, дунёдаги энг улуг касблардан бири режиссура эканига амив бўламан. Шу касбни танлаганимдан, маҳорат ва малакам даражасида эл-юртта хизмат қилаёттанимдан фахрланиб кетаман. Режиссуранинг эса йўналишлари кўп. "Ҳар кимники ўзига ой кўринар кўзига" деганларидек, менинг назаримда, энг қизиқарлиси радиорежиссурадир.

Демак, бундай фикрлардан сўнг касб танлаш ёшидаги айrim ўқувчиларнинг қалбида радиорежиссёр бўлиш истаги учқун олган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Агар шувдай бўлган бўлса, қуйидаги мулоҳазаларимизни эътибор билан кузатиб боринг.

РАДИОРЕЖИССЁР БҰЛМОҚЧИМИСИЗ?

Дунёда касблар күп. Кимдир ҳисобчи бұлишни хоҳласа, яна биров қайдовчи ёки дурадгор бұлишни ёқтиради. Ҳатто болалигимизда бир муддат учувчи бұлиш орзуси билан яшаган бұлсак, не ажаб. Аксарият ёшлар меҳрибон устозига ҳавас қилиб, үқитувчилик касбини танлаши ҳам ҳаётда күп бор кузатылған.

Аммо дунёда шундай касблар ҳам борки, нафақат мактаб үқувчилари, ҳатто катта ёшдаги инсонлар ҳам улар ҳақида түзукроқ тасаввурға зға змас. Чунки бундай касбларға мактабда яхши үқиш, фанларни пухта үзлаштириш билангина эришиб бұлмайды. Бунинг учун кишидан алоҳида қобиляйт, истеъдод талаб этилади. Бу үринде гап ҳаётнинг одийгина, лекин барча инсонлар ҳам күравермайдыған томонларини күра олиш ва буни бошқаларға аниқ-тиниқ етказиб бериш санъати ҳақида кетмоқда. Кишидан ана шундай қобиляйт талаб этувчи соҳалардан бири радиорежиссура, десак, хато бұлмайды.

Дардақиқат, режиссуранинг бу тури бир қараганда жуда ҳам оммавийлашиб кетмагандек. Ҳатто жамиятда бу касбга нисбатан талаб ва әхтиёж у даражада катта змасдек күринади. Нега, дейсизми? Масалан, Ўзбекистонда бугунги кунда үнлаб давлат ва қодавлат радиоканаллари фаолият күрсатмоқда. Айрим хусусий радиоканалларда режиссёrlик штати йўқ. Умуман олганда, жиғду жаҳд айлаган киши узоги билан икки-уч соат миёнасида Ўзбекистонда нечта радиорежиссёр фаолият күрсатаёттандығини аниқ-тиниқ ҳисоблаб чиқиши мумкин. Лекин республикамизда қанча электрик ёки қурувчи борлигини бу муддатда ҳисоблаб чиқа олмайди. Менинча, бунинг иложи ҳам йўқ.

Ёки масалага бошқача томондан ёндашиб күрайлик. Дейлик, Ўзбекистонда бугунги кунда қанча үқитувчи бор? Аниқ факт. Күпчилик билади. Аммо юртимизда барча үқитувчилар сонига нисбатан оладиган бұлсак, радиорежиссёrlар сони арзимасгина рақамни ташкил этишига гувоҳ бұламиз. Бошқа күплаб касбларға таққослаганда ҳам шундай. Шу томонлама қараганда, радиорежиссура жуда ҳам кенг ёйил-

маган соҳадек кўринади.

Энди масаланинг иккинчи томонига ўтамиз. Оммавий ахборот воситалари орасида радио энг кенг тарқалган, деб бемалол айта оламиз. Уни ҳар қандай шароитда эрталабдан кечгача, оқшомдан тонгга қадар тинглашингиз мумкин.

Радиода ҳар қандай ёшдаги, ҳар қандай касбдаги, исталган дунёқарашдаги тингловчининг дидига мос эшиттириши учратиш мумкин. Энг сўнгти янгиликларни эшитмоқчимисиз? Марҳамат. Балки сизга қўшиқ тинглаш муҳимроқдир? Эътиroz йўқ. Адабий-драматик асарларга таъби нозиклари қалай? Эҳтимол, саломатлик ҳақида эшиттириш тингламоқчидирсиз? Ё сиз учун спорт хабарлари муҳимми? Барча-барчасини радиотўлқинлардан топишингиз мумкин.

Ўз моҳиятига кўра муҳлисларга энг яқин оммавий ахборот воситаси ҳам радиодир. Сиз газета ўқий туриб, бир пайтнинг ўзида мақола муаллифига мурожаат қилиш имкониятига эга эмассиз. Телевизорда чиқиш қилаётган сиёсий арбоб ёки эстрада юлдузига ўша пайтнинг ўзида савол билан мурожаат қила олмайсиз. Ва ҳоказо. Бугунги кунда радиода бундай имкониятлар мавжуд. Ҳатто турли радиоўйинларда иштирок этиб, ўз интеллектаул дараҷангизни оширишингиз, кичкина бўлсада, ютуқларни қўлга киритишингиз имконияти ҳам бор. Соат неча бўлганлигини аниқлаш, эртани кун об-ҳаво маълумотини билиш мақсадида приёмник мурватини бурайдиганлар ҳам жуда кўп.

Радионинг тингловчи учун бундан бошқа афзалликлари ҳам кўп. Буни тингловчилар биздан кўра яхшироқ билишади. Шу боис айни йўналишдаги мулоҳазаларимизнинг мухтасар хуносаси шуки, радиодаги бу жараёнларни радиорежиссерлар бошқариб туришади. Кўрдингизми, биз “жамиятда унчалик ҳам катта эҳтиёж сезилмайдиган соҳа”, деб ўйладиган радиорежиссура қанчалик муҳим экан.

Биласиз, режисуранинг турлари кўп. Кинорежиссерлар, театр режиссерлари, телевидение режиссерлари, оммавий байрамлар режиссерлари, яна, юқорида айттанимиздек, радиорежиссерлар бор. Умуман олганда, барча режиссерларга қўйиладиган талаб деярли бир хил: катта экранларга мўлжалланган яхши кино яратиш ёки театр саҳнасида ажо-

йиб спектаклар қўйиш, зўр кўрсатув ёки телефильм суратга олиш, қизиқарли байрам тадбирини ташкиллаштириш ёхуд тингловчиларга манзур бўладиган эшигтиришлар тайёрлаш.

Эшигтириш, дегани жуда кенг қамровли тушунча бўлиб, кичкина ролик ёхуд анонсдан тортиб, радиопостановкалар тача, мавзули таҳлилий эшигтиришдан тортиб, радиокитоб жанридаги маҳсулотларгача, спорт хабарларидан тортиб, тўғридан-тўғри эфирга узатиладиган спорт мусобақалари трансляциясигача, ҳамма-ҳаммасини умумий тарзда эшигтириш деймиз.

Дарвоқе, режиссёrlарни умумий ҳолда бирлаштириб турадиган яна бир тушунча ҳам бор — сценарий! Ҳамма режиссёrlар сценарий асосида ишлайди. Аммо иш йўналишлари турлича. Устозларнинг зътироф этишларича, уларнинг орасида энг нозик, энг мураккаби радиорежиссура. Чунки, театр режиссёрига декорация ёрдам беради. У мимика, ҳар хил ишоралар, лиbosлар, ёргуликлар, ранглар уйгунилиги, ҳатти-ҳаракатлар ва бошқа кўплаб воситалардан фойдаланади. Улар рассом, декоратор, бастакор каби турли соҳа вакиллари билан ҳамкорлиқда ишлайди.

Кино ёки телевидение режиссёrlарининг ҳам худди театр режиссёrlари сингари овоз ва мусиқадан ташқари ёрдамчи воситалари кўп. Энг муҳими, уларда тасвир бор. Демоқчи бўлганимиз, режиссуранинг бошқа барча турларида мижозларга инсоннинг кўриш, эшитиш қобилиятлари орқали таъсир қилинади. Радиорежиссёр эса фақат эшитиш, қўпол қилиб айтганда, қулоқ орқали таъсир кўрсатишга мажбур. У ҳамма нарсани овоз, мусиқа ва ҳар хил товушлар билан ифодалайди.

Кинода ҳам, спектаклда ҳам, кўрсатув ёки эшигтиришда ҳам асосий ижодкорлар режиссёrlар ҳисобланади. Оддийгина қилиб тушунирилганда, театрда битта спектакль учун бир неча ўнлаб актёrlар ишлаши мумкин, режиссёр эса битта бўлади. Ёрдамчи режиссёр ҳам бўлиши мумкин, бироқ улар асосий режиссёрга гоявий жиҳатдан таъсир этмайди. Ўнга ёрдам беради холос. Кинода ҳам, телережиссурада ҳам шундай — ёрдамчи режиссёrlар, овоз режиссёrlари ишти-

рок этсада, уларнинг ўз вазифалар бор.

Радиода эса "рассом" ҳам, "декоратор" ҳам, "бастакор" ҳам, овоз режиссёри ҳам биргина режиссёрнинг ўзи. Баъзан эса радиорежиссёр актёрлик ҳам қилишига тўғри келади. Бу соҳада либос, ёргулук ёки қоронгулик деган восита-лар йўқ. Барча ишлар, сценарий билан танишиш, бошловчи ёки актёрларни танлаш, уларни тайёрлаш, студиядаги вазиятни текшириб кўриш, мусиқаларни саралаш, қўйингки, ҳамма юмушлар биргина режиссёрнинг назоратида бўлади. Радиопостановка ёхуд радиоспектакль яратилаётганда ҳатто профессионал актёрлар ҳам берилган ролни кўнгилдагидек чиқариб беролмаслиги мумкин. Чунки, дейлик, у бошини чайқагани, тилини чиқаргани, афтини бужмайтиргани, қўл силтагани ва шунга ўхшаш ҳаракатларнинг барчасини овоз билан ифодалashi, гап оҳангиде бериши шарт. Бошқа йўл йўқ. Шундай пайтларда режиссёр уларни ролга мослаштириши, керак бўлса, уша ролни ўзи ижро этиб, кўрсатиб бериши керак. Устозимиз, кўплаб радиопостановкаларнинг режиссёри бўлган Гулчеҳра Гиёсовна иш тажрибасида ажойиб бир усул қўллайди: у актёрга бақирмайди, аччиқ қилмайди, қандай ижро этиш кераклигини кўрсатиб ҳам бермайди, балки унга кимнинг ролини ижро этаёттани, у талқин этаётган образ айни вақтда қандай ҳолатни бошидан кечираётгани ва шу кабиларни чукурроқ англатишга ҳаракат қиласди. Санъаткорга шу ҳақдаги қатор саволларни бериб, уни руҳан тайёрлашта интилади. Ана шундан кейинги-ва асосий ишга киришади. Бу эса, юқорида таъкидланганидек, соҳамизининг ниҳоятда нозик ва мураккаблигидан далолат беради. Шундай эмасми?

Демак, радиорежиссёр булишни ният қилган инсон бу касбнинг мана шундай сиру асрорлари борлигини билиб қўйиши керак. Аслида ушбу соҳани эгаллашта ҳаракат ҳам бироз олдинроқ, яъни мактабгача тарбия муассасалари ёки бошлангич синфлардаёқ бошланса, яхши натижа беради. Бунга имкониятлар етарли. Ўзингизда ҳаётни кузатувчалик қобилиятини тарбиялаб борсангиз бас. Чунки ҳаётимиздаги ҳар бир воқеа-ҳодисанинг туб заминида қандайдир, кўз илгамас жиҳатлар ҳам мавжуд бўлиб, уларни англаш

учун кипидан ўзгача тафаккур тарзи талаб қилинади. Қандай, дейсизми? Куйида берилётган "Кампир ҳақидағи ривоятнамо ҳақиқат"ни ўқисанғиз, буни ўзингиз тушуниб етасиз.

КАМПИР ҲАҚИДАГИ РИВОЯТНАМО ҲАҚИҚАТ

Болалигимда қишлоғимизда бир кампир бұларди. Унинг қулоги оғир зди. Ҳамма унга бақириб гапиради. Шундай құлмаса, әшитмасди. Ёши бир жойға етганида набиралари унга отофон, яъни қулоги кар одамларнинг эшлиши қобилятини күчайтирадиган аппарат олиб беришди. Кампир уни тақиб күрді-ю роса хурсанд бұлды. Аммо бир-икки күндан сүнг бу матоқ қарияннинг сандигидан жой олди. Қайта қулоққа илинмади.

— Бувижон, ахир уни сандықда сақлаш учун олиб келганимиз йўқ, — дейишиді набиралар.

— Яхши экану, бирон соат тақиб юрсам бошим гувиллаб қоляпти. Үндан кўра тинчгина юрганим яхшига ўхшайди, — дейди кампир.

Хуллас, онахоннинг қулоқлари мангу сукунатта кўниккан эканми, бу олаговур дунёning шовқинлари уни чарчатиб қўйди. Онахонимиз отофон тақдим эттан шовқинли оламга қайта ташриф буюрмади, ўзининг абадий сукунат оламини маъқул кўрди. Бундан набираларнинг ҳафсаласи пир бўлди.

Бу воқеа ўша пайтларда менга, бизга, умуман, атрофдагиларга ғалати туюлғанлиги шубҳасиз. Энди бироз улгайиб, ҳаёт ҳақидағи тасаввурларим кенгайгач, мулоҳаза қилиб кўрсам, гап бошқа ёқда экан. Ҳа, бу оламдаги жамики жонзотларнинг ўз овози бор. Қайси бирлариники баланд, яна бирлариники паст. Баъзилариники қувноқ, бирвлариники маҳзун. Дейлик, қалин қор устида кетаётган одам... Бир қараапца сиз уни кўрмай туриб, бу ҳақда мулоҳаза юритмай туриб, фақатгина "тарч-турч" товушларидан эркакми — аёл, ёшми — қари, хурсандми — хафа, шошиляптими — шошилмаяпти... ҳамма-ҳаммасини ажратса олмаслигиниз мумкин. Аммо салгина эътибор берилса, бу ишнинг жуда осон экан-

лигини тушуниб етасиз. Ёки бўлмаса, тунни олиб кўрайлик, ўзига хос овозлар орқали унинг қайси фаслга тегишли эканлигини англаш мумкинки? Менимча, "Ҳа!"

Тунларнинг яхши, ёмони бўлмайди, аслида. Лекин телерадиоасар яратаБтганда қаҳрамоннинг руҳий ҳолатидан келиб чиқиб, уларни яхши ёки ёмонга ажратишга мажбурмиз. Чунки одамзот орта қолган ҳар бир кун ёки тунларни қандайдир ширин ёхуд аччиқ воқеалар билан боғлаб эслайди. Уша воқеа сабаб оддийгина кеча биз учун ўзига хос куриниш касб этади. Биз учун энг муҳими — ҳар бир ҳолатнинг оҳангига ва мусиқасини топа билиш ҳамда ундан моҳирона фойдаланиш. Кино ёхуд телеасарда бу иш нисбатан осонроқ кечиши мумкин. Радиода эса анча мураккаб иш. Аммо устозларнинг ижод маҳсулни бўлгав, бугунги кунда Тошкент радиоэшиттириш уйининг фонотекасида кўз қорачигидек сақданаётган радиопостановкаларни тинглаб, улар бу оғир ишни осонлик билаи уddaлаганига гувоҳ бўламиз. Кимдир бу жараёнда айни ҳолатни бера оладиган мусиқалардан фойдаланишга ҳаракат қилган бўлса, яна бирорлари бўриларнинг қўрқинчли увулаши, қурбақаларнинг хотиржам "қур-қур"и, чигирткаларнинг шодон қўшиги ва бошқа шу каби воситаларни қўллашган.

Масалаи, севган йигити билан учрашувдан қайтаётган қиз учун қоронги тун ҳар қанча ваҳимали бўлмасин, бу унинг юрагига гугула сололмайди. Чунки айни дақиқаларда у висол онлари тақдим этган тенгсиз суурурдан сармаст. Қалбидан бошқа нарсага ўрин йўқ. Демак, бу ерда ўзига хос воситалар керак бўлса, кечаси уйда ёлғиз қолган болакай учун қоронгулик қанчалик қўрқинчли бўлишини ифодалашга яна бошқачароқ товушлар зарур. Мана шундай ҳолларда оддий оқшомларни ҳам яхши ёки ёмонга ажратамиз.

Ёки бўлмаса, шамол ҳақида ҳам шундай фикрларни билдириш мумкин: майнингина, пешоналарни силаб, дилга хуш ёқувчи тонг шамолини симёгочларга урилиб, ҳуштак чалаётган изгирин довулдан фарқлаш қийин эмас. Радиорежиссурада улар қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини кўрсатувчи омидалар ҳисобланади. Радиорежиссёр учун буларни билиш оддий тингловчидан кўра икки-уч ҳисса муҳимроқ. Чунки у

йирик ҳажмли ёки қисқа метражли радиомаҳсулотлар ярататёттанды худди шундай унсурлардан маҳорат билан фойдаланса, асари муваффақиятли чиқади.

Демак, юқорида келтирилган воқеа — кампир ҳақидағи ҳикоянинг ўзига хос ечимига келадиган бұлсак, менимча у тошу ёшга еттунча ўзига хос товушилар дүнёсини яратиб бұлған. Биз учун гайритабиий түюлган бақириб гапиришлар унга одатий ҳолга айланған. Набиралар томонидан совға қилинган эшитиш мосламаси ана шу одатийликка путур етказганига ишонмасдан иложимиз йўқ. Агарда у тутма кар бұлмасдан, умрининг қайсиdir довонида, нимадир сабаб билан эшитиш қобилятидан маҳрум булиб қолганида зди, набиралари келтирған мослама унга ҳақиқий ва давомли қувонч багишлаган бўларди.

Албатта, ушбу воқеадан бундай холоса чиқаришим учун радиорежиссура йўналишидаги бир неча йиллик амалий фолиятим қўл келганлигини шу ўринда таъкидлаб ўтмасам, бўлмас. Чунки инсонни ҳар қандай шароитда ҳам ўраб турған муҳит, қолаверса, амалиёт тарбиялаб боради.

АМАЛИЁТ — ҲАЁТ ДАРАХТИ

*Назария қуруқдир, дўстим,
Лекин яшнар ҳаёт дарахти.*

Дунё тан олган шоирлардан бирининг шундай сатрлари бор. Гарчи ишимизнинг, ҳаётимизнинг катта қисмини адабиёт ташкил қиласада, адабиётшунос эмасман, бинобарин, шоир бу сўзларни қачон, қандай кайфиятда, нима муносабат билан ёзганидан ҳам бехабарман. Шунинг учун уни қандай ёзилған бўлса, шундайлигича қабул қилганиман. Менимча, шоир ҳақ: ҳар қандай етук мутахассисни, амалиёт тоблайди. Дейлик, бир умр ҳарбий жанг санъатини назарий жиҳатдан ўрганган, пухта ўзлаштирган, бироқ ҳақиқий жанг майдонини умуман кўрмаган жангчидан кўра, уруш оловлари ичида улгайған жангарида тажриба каттароқ бўлиши ҳаммамизга яхши маълум. Шу ўринда бир мисол келтирсам, қачондир, қайсиdir газетада ўқиганиман: мапхур кара-

тэчидан “Хаётда кимдан құрқасиз?” деб сұрашганида “Кұча безориларидан”, деб жавоб берган экан, “Чунки улар тутма жаңгари бұлишади”, дея изоҳлаган экан у үз сүзларини. Назаримда, бошқа соқаларда ҳам шундай. Шоир ишора қилганидек, ҳаёт дарахти яшнайверади. Энг түгри йұл эса, менимча, назария билан амалиёттинг уйғунаштувида.

Гапниңг ройишига зәтибор беряпсизми? Мен бу үринде радиорежиссура назарияси ҳақида маълумот бериш фикридан йирокман. Бу иш билан шугулланадиган мутахассислар күп. Назария билан амалиётни құшиб олиб бораёттан ҳамкасбларимиз ҳам талайгина. Айниқса Интернет тармогининг пайдо булиши билан бизнинг соҳамизга оид назарий маълумотлар ҳам электрон шактада кеңг тарқалмоқда. Хоҳлаган одам истаган маълумотини ахтариб топиши мумкин.

Умрим режиссёrlик пульти ёнида, бармоқларим эса микшерлар устида кечмоқда. Фаолиятим давомида радиорежиссура технологияларининг тобора такомиллашиб, қайсиدير жиҳатлари билан енгиллашиб бораёттанига гувоқман. Масалан, одинлари магнит тасмалари асосий қуролимиз эди. Ҳозирги ёш ҳамкасбларим унинг нима эканligини учалик тасаввур қила олмаслиги мумкин. Илм-фан ривожлагани сари бу тизим ҳам муттасил тараққий этиб бораверади. Бүгунги кунда ишлатилаёттан аппаратлар ҳам зерта-бир кун эскиради. Улар ҳам худди биз бугун оғир магнитофонларни студиялардан олиб ташлаганимиз сингари, вақти келиб иsteмoldан чиқиб кетиши әхтимолдан учалик узоқ эмас. Шунинг учун техника ва технологиялар ҳақида ҳам маълумот беришта чөгланаёттаним йўқ.

Тўгри, аппарат-студия блокларидаги ускувалар билан дадил “мулоқот”га кириша олмайдиган режиссёр юқори савияли радиомақсулот яратишга қодир эмас. Бир-икки сафар операторнинг ёрдамига таяниши мумкинdir. Аммо мустақил ишлай олмайдиган режиссёр узоққа бормайди.

Радиорежиссёр муваффақияттининг эллик фоизини ижодий салоҳият, қувваи ҳофизасининг нақадар юксаклиги, умуман олгаңда фантазия кучи ташкил этса, яна шунча қисми техник имкониятлардан унумли фойдаланишга боллиқ.

Ўзбек радиорежиссурасининг даргаларидан бири бўлган Набижон Ҳасанов ҳақида эшитганимисиз? У радиоэшиттириш уйидаги техникалардан нафақат унумли фойдаланган, балки ўзи ҳам уларга нималардир қўшишга ҳаракат қилган экан. Бу ҳақда тегишли манбаларда, хусусан, таниқли хонада Озода Назарованинг “Эл севган санъаткорлар” номли китобида ҳам қайд этилган.

— Набижон ака, сиз тасмага ёзиб олинадиган асарларнинг янада эшитимли бўлиши учун қанақадир янгиликлар ҳам киритар экансиз. Тўгрими? — деган савол билан мурожаат эттани Озода опага у киши шундай жавоб қайтаради:

— Тўгри, кўп машҳур ҳофизларимизнинг овозларини мен ёзганман. Ўзим санъаткор бўлганим учун ёзув пайтида яхши ижро бўлса, завқланиб кетаман. Шу ёзувларнинг бираida устоз Фахриддин Умаровнинг қўшиқларини ёзаётганда шундай завқланиб кетдимки, хаёлимда янги бир фикр тугилди. Ҳофиз овозларига акс садо (эҳо) бергим келди. Афсус, ҳали бизда бунақангни аппарат йўқ эди. Бунинг ҳам иложини топдим. Ергулада каттагина бўш хона бор эди. Шу хонага сим тортиб, радио карнайни ўрнатдик. Бир дона микрофон қўйдик. Ҳофиз овози ёзилганда овозларини шу бўш хонада жаранглатиб, микрофондан керагича қисмини ёзиб олиб, уни эшитиб, ўзим ҳам завқланиб кетдим. Шу кундан бошлаб, ҳамма овозларга озгина акс садо қўшиб ёза бошладик.

Набижон ака билан Озода опанинг ушбу сұхбатида бунга ўхшаш ноёб кашфиётлар ҳақида бошқа маълумотлар ҳам келтирилган. Жоиз топсак, уларнинг баъзиларидан кейинги ўринларда ҳам фойдаланишимиз мумкин.

Бундан шундай хуроса чиқариш мумкинки, техникани ҳар қанча мукаммал ўзлаштирган билан ишга ижодий ёндашмас экансиз, бирон ютуққа эришишингиз даргумон. Ёки аксиянча, фантазиянгиз ҳар қанча юқори бўлмасин, техника билан “тиллаша” олмай туриб уларни рўёбга чиқара олмайсиз. Демак, юқорида таъкидлаганимиздек, муваффақиятингизда улар зликка зллик ўрин касб этади.

Дарвоҷе, Набижон Ҳасановнинг ихтиrolаридан мен яна бир хуросага келаманки, яхши режиссёр техник имкониятлардан ҳам бир қадам олдинроқда юриши шарт. Бунга у



Бевосита эфирда "Хайрли күн" эшиттириши бошланиш олдидан.



Олий тоифали сухандон
Барно Юсупова.



Рұзимаҳмад Икромов ва Татьяна Полонская рус тилидаги ролик матнини мұжокама қилишмоқда.



"Машъал" нинг тиниб-тинчимас ижодкорлари. Лола Шодиева, Сайдада
Хайбатова, Гузал Мұхамедова, Зулфизар Каримова ва овоз
оператори Дилафұрз Ҳожиева.



Олий тоифали сұхандон Шокир Юсупов.

кишининг амалий тажрибалари мисол бўла олади. Яхши режиссёр ҳақидаги мулоҳазаларимизни кейинги ўринларда бошқа устозларимиз мисолида ҳам давом эттирамиз.

Мен амалиётчи режиссёрман. Бу китоб орқали давомчиларимиз касб малакаларини оширишда эътибор қаратиши лозим бўлган сиру асрорлар хусусида тўхтаамоқчиман. Ундаги барча фикр-мулоҳазалар ёлгиз ўзимга тегишли, десам, сизни алдаган бўламан. Ўзаро судбат жараёнарида устозлар, тенгдошлар, ҳатто радиорежиссёrlик фаолиятини мендан анча кейин бошлаган ҳамкасларим ҳам эфир вақтида эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар ҳақида гапиришади. Тажрибалари билан уртоқлашишади. Ўша мулоҳазалардан ҳам фойдаланишга ҳаракат қилдим. Шунинг учун bemalol айтиш мумкинки, бу китобга "O'zbekiston", "Mash'al", "Toshkent" ҳамда "Yoshlar" радиоканаллари режиссёrlарининг умумий тажрибалари асосида тартиб берилди.

Сўзимнинг аввалида назария ва амалиёт мутаносиблиги ҳақида тўхталган эдим. Хуроса шуки, кўп ҳолларда аввал амалий иш қилинади, кейин унинг асосида назария яратилади. Афсоналарда айтилганидек, Ньютоннинг бошига олма тушмаганида бутун олам тортишиш қонуни, Архимед сув тўлдирилган ванинга кирганида тошиб кеттан сув ерга тўкилмаганида сигим ҳақидаги қонуният яратилмаган бўлар эди.

Радиоэфирни режиссёrsиз тасаввур этиб бўлмайди, аммо радиорежиссура амалиётининг юксалиб боришида бошқа, ёндош касб ва йўналишларнинг ҳам ўрни беқиёсdir. Ана шундай соҳалардан бири радиожурналистика, десам, назаримда, бунга ҳеч ким эътироz билдиrmаса керак. Чунки, бу икки соҳа ривожини бир - биридан айрича ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.

РАДИОЖУРНАЛИСТИКА ВА РАДИОРЕЖИССУРА

Таниқли телерадиожурналист ва адабиётшунос Ўрол Ўтевнинг (марҳум) "Телевидение — давр қўзгуси" деб номланган китобида атоқли режиссёр, кўплаб телевизион фильмларнинг ижодкори Ҳайбат Алиевнинг шундай мулоҳазалари келтирилган:

"— Режиссёrlик касбига яқин соҳа — журналистика. Бу икки касбни танлаган инсон умрининг охиригача ҳалқ эътиборида бўлади. Мен ҳам ёшлигимда журналист бўлмоқчи эдим, лекин университетта киришга қўзим етмади. Ўйлаб-уйлаб, Театр санъати институтига ўқишига кирдим, кам бўлмадим. Касбим билан фахланаман.

Режиссёrlик масъулиятли касб. У доим изланиши, доим ҳушёр бўлиши керак. Шу боисдан мамлақатимизда олий маълумотли режиссёrlар кўп, лекин чинакам режиссёр мақомига эга бўлганлар бармоқ билан санарли". Бу мулоҳазаларни айни ўринда беъжиз келтириб ўтганимиз йўқ. Чунки телережиссёrlар ҳақида гапирилган ҳар бир гап радио режиссёrlар учун ҳам бирдай тааллуқли, деб ўйлайман.

Маълумки, радиожурналистика журналистиканинг бир йўналиши ҳисобланади. Худди шу сингари радиорежиссура ҳам режиссуранинг ажралмас қисмиdir. Бир-биридан фарқ қилувчи бу соҳаларни, айни пайтда, айрича ҳолда тасаввур этиш қийин. "Журналистика. Реклама. Паблик рилейшинз" лугат-маълумотнома китобида радиожурналистика атамасига шундай изоҳ берилган:

"Радиожурналистика — 1. Тегишли самарани таъминловчи радиотехник воситаларни ишлатиш ва репортёrlик маҳорати асосида олиб бориладиган журналистик фаолият. Радиожурналист сўзи билан инсон диққатини ўзига жалб этмоги, уни кундалик юмушлардан чалгиб, тинглашга мажбур этмоги лозим, — дейди иқтидорли ва машҳур радиожурналист Юрий Летунов. — Ҳатто байрам кунлари ҳам катта масъулият билан репортаж, ҳисобот ва янгиликларни олиб бормоги лозим".

Радиожурналистика, дейилганда, шунингдек, радиожурналистлар томонидан тайёрланган ва радиосанъатга алоқа-

дор бұлмаган радиоэшиттиришлар ҳам түшгүнилади.

Назаримда, мазкур изоқ орқали радиожурналист ва радиожурналистика ҳақида муайян түшүнчә ҳосил қилиш мүмкін. Радиожурналист үз фаолиятини амалға оширишда радиорежиссёр хизматында таянади. Қисқача қилиб айттанды, аксарият радиомаңсулоттар ана шу иккى касб засининг ҳамкорлигыда яратылади. Тұгри, бу жараёнда бошловчи ёки сухандон, мусиқа мұхаррири ёхуд режиссёр ассистенти каби ижодий ходимлар ҳам иштирок этади. Аммо улар журналист ва режиссёрининг фаолияттың гоявий жиһатдан таъсир күрсатмайды, балки уларға ёрдам беришади, холос.

Ролик ёки анонсдан тортиб, мавзули эшиттирип ёки радиопостановкалар бұладими, барчаси журналист ва режиссёр гоялари асосида шакллантирилади. Яна ҳам аниқроқ айттанды, журналист сценарийни ёзіб, уни режиссёрга тақдым этади. Режиссёр эса ушбу сценарий асосида маңсулот яратади. Энди бевосита ушбу жараёнларни амалиёт билан болгайдиган бұлсак, уларнинг ҳамкорлиги ҳар доим ҳам дүстона тарзда кечамаслығы мүмкін. Баъзан режиссёрининг иши муаллифни қониқтирумаслығы мүмкін, баъзида эса аксияча.

Шу үринде устозимиз Воҳиджон Дўстмуҳамедовни эслаб үтишни ихтиёр этдик. У сценерийни құлға олға, синчиклаб үқиб чиқарды. Үқиши жараённанда муаллифга саволлар беріб, айрим үринларини үз мұлоҳазалари асосида қайта ишлашни сұрарди. Шу билан бир пайтда, ҳаётда яхшигина ҳазилкаш бұлған бу инсон ижод жараённанда жуда инжиқ булиб қоларди.

Маълумки, эшиттириш сценарийсі иккى нұсқада ёзилади. Улардан бири эшиттириш пайтада бошловчи, радиопостановкалар ёзилеёттап вакт актёрлар құлда бұлса, иккінчи санда режиссёрда туради. Баъзи муаллифлар биринчи нұсқани қайта-қайта текшириб, хатоларини түгрилайди-ю, иккінчи нұсқага келганды ҳафсаласызлик қилишади. Воҳиджон aka ана шундай зәтиборсизлікни жуда ёмон күрарди. Шу боис муаллифлар у киши билан ишләйтганды ҳүшөр булиб туришарди. Энди үйлаб қарасам, устозимизнинг ҳар бир хатти-харакати эшиттиришнинг яхши чиқишигана қара-

тилган экан. Аслида ҳам таҳрир жараёнида биринчи нусха билан иккинчиси бир-биридан фарқланиб қолса, бу эшигтиришнинг сифатига жиддий таъсир этиши, режиссёри чалгитиши мумкин. Шунинг учун ҳаммаси жой-жойида, рисоладагидек бўлгани яхши.

Моҳир режиссёр, талабчан устоз, истеъододли сухандон Воҳиджон Дўстмуҳамедовдан жуда салмоқла, юқори салоҳиятли мерос қолди. Режиссёр маҳоратини тадқиқ этмоқчи бўлғанлар исталган пайтда бу меросга мурожаат қилишлари мумкин. Дарвоҷе, ҳалқимизда “От ўрнини той босар”, деган доно нақл мавжуд. Бугунги кунда устозимиз бошлаб берган йўлни муваффақиятли давом эттираётган шогирдлар сафида у кишининг жияни, истеъододли ижодкор Шаҳнозахон Дўстмуҳамедова ҳам бор. У ҳам худди Воҳиджон ака сингари ҳам режиссёrlик, ҳам бошловчилик, жойи келса, актёrlик қобилияtlарини ишга солиб, бир-биридан қизиқарли лойиҳалар тайёрлаб келмоқда.

Афсуски, беш қўл баравар эмас, айрим режиссёrlар сценарий билан оддиндан яхши танишмайди. Эшигтириш ёзилаётган ёки тўғридан-тўғри эфирга узатилаётган пайтдагина уни қўлга олади. Шунинг учун уларнинг маҳсулотлари жуда саёз чиқади.

Аслида эса барча режиссёrlар сценарий билан оддиндан яхшилаб танишиши, шу жараёнда уни қайси бошловчи маромига етказиб ўқиши мумкинлиги, қандай мусиқалар лозимлиги ва бошқа жиҳатларни хаёлида обдон пишишиб, ўзича тасаввур ҳосил қилиши ва шундан кейингина ишга киришиши керак.

Режиссёrnинг иши пультни бошқаришдангина иборат эмас. Пульт унинг мақсадини рӯёбга чиқаришга ёрдам берадиган восита холос. Шу ўринда ушбу мулоҳазаларимизга ўхшаб кетадиган бир воқеани эслаб ўтмоқчиман.

Ҳайдовчилик курсида таҳсил олган бир танишимиzinинг айтишicha, катта кўчада машина бошқаришни ўрганаётган ҳаваскорни мастерлар ҳар хил усуллар билан синаб кўришар экан. Масалан, қўлидаги қаламини унинг оёгининг тагига ташлаб юборар ва олиб беришни ундан сўраркан. Профессионал ҳайдовчи бундай вазиятда нима қилиш зарурли-

гини яхши билади, лекин күзини йўлдан, қўлини рулдан уза олмайдиган ҳаваскор довдираб қолиши аниқ. Техникани пухта ўзлаштиргаган режиссёр ҳам пультнинг ёнида худди ҳаваскор ҳайдовчининг ҳолига тушади.

Хуллас, яхши режиссёр бўламан, деган одам ҳар томонлама профессионал мутахассисга айланиши шарт. Акс ҳолда радиожурналист томонидан ҳар қанча мукаммал сценарий ёзилмасин, режиссураси маромига етмаган эшиттириш тингловчи эътиборини қозона олмайди. Таъбир жоиз бўлса, радиожурналистика ва радиорежиссурани бир қушнинг икки қанотига ўхшатиш мумкин.

Агар эътибор берган бўлсангиз, биз юқорида иккита жумбоқли жумла ишлатдик, улардан биринчиси "радиосанъатга алоқадор бўлмаган радиоэшиттиришлар" бўлса, иккинчиси "...аксарият радиомаҳсулотлар ана шу икки касб (радиорежиссёр ва радиожурналист — А.К.) этасининг ҳамкорлигида яратилади", деган жумлалардир. Яйни ўринда ушбу масалаларга ҳам ойдинлик киритиб ўтмоғимиз жоиз. Яйни "радиосанъатта алоқадор бўлмаган" эшиттириш ҳам бўладими ёки нега "барча радиомаҳсулотлар", дейилмасдан "...аксарият радиомаҳсулотлар..." дейиляпти? Чунки радио тизимида фақатгина режиссёрнинг гояси, ташабbusи ва меҳнати самараси бўлган маҳсулотлар ҳам бор. Масалан, баъзан, радиопостановка, инсценировка каби бадий йўналишдаги асарлар яратилиш жараёнида журналист бевосита иштирок этмаслиги ҳам мумкин ва худди шундай маҳсулотлар радиосанъатта алоқадор бўлади. Демак, шу жараёнда радиорежиссура ҳам санъатга айланади. Чунки бу ерда адабиёт, мусиқа, нотиқлик ёки театр санъати ўзаро синтезлассади. Санъатларнинг синтезидан эса фақатгина санъат асари яратилиши мумкин.

Радиожурналистика оммавий аҳборот воситалари орасида ўзига хос, яйни оғзаки эшитувчига йўналтирилганлиги билан ажralиб туради. У ҳам республикамиизда қабул қилинган матбуот ва оммавий аҳборот воситалари фаолиятига оид қонун ва қонуниятлар асосида фаолият кўрсатади. Радиожурналистиканинг информацион (хабар, сұхбат, репортаж), таҳдилий (шарҳ, кузатув), бадий публицистик (лавҳа, очерк,

фельетон, эссе) сингари асосий жанрлари мавжуд. Шунингдек, унда адабий ижодга (радиоҳикоя, радиопъеса, радиоспектакль, радиоинсценировка, радиопостановка, радиокитоб, радиосериал), мусиқа санъатига (радиоконцерт, радиокомпозиция) оид эшиттиришлар ҳам берилади.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси таркибидағи Тошкент радиоэшиттириш уйи фонотекасида сақданаёттган куй ва қўшиқлар, достонлар, радиопостановка ва радиоспектакллар, қўйинки, барча нодир асарлар фикримизнинг исботи бўла олади. Бу хазина эса Ўзбекистон радиорежиссураси тараққиётига муносиб ҳисса қўшган устозлар — Нельмат Дўстхўжаев, Жавлон Тошхўжаев, Рустам Қурбонов, Манон Убайдуллаев, Дамир Шокиров, Гайбулла Нишонов, Раҳмат Жумаев, Воҳиджон Дўстмуҳамедов, Санжар Саъдуллаев, Гулчехра Фиёсовна, Собиржон Содиқов, Муҳаммаджон Сўфихўжаев, Аҳмаджон Рўзиев, Рустам Расулов, Қаҳрамон Ашурев, Бахтиёр Йўлдошев, Қурбонали Исқандарий, Садриддин Муҳиддинов ва улардан кейинги авлод вакиллари томонидан яратилган. Бугунги кунда ҳам бу йўналишдаги ишлар баҳоли құдрат давом эттирилмоқдаки, кейинги ўринларда улар хусусида ҳам тўхталишта ҳаракат қиласиз.



Ижод жараёни. Режиссёр ва бошловчи Дилобар Сайдова ва Ахаджон Курбонов.



Овоз режиссёrlари Раъшан Нугмонов ва Шуҳрат Одилов шоғирдлари билан.



Режиссёр ва бошловчи Маъмуржон Абдиев студияда эшиттириш олиб бормоқда.



Овоз режиссёри Зокиржон Отабоев ижодий ҳамкорлар билан мусиқий эшиттиришни ёзиг олмоқда.

ИККИНЧИ ҚИСМ

РАДИОРЕЖИССУРА ВА ЖАНРЛАР

РАДИОРОЛИК

Маълумки, радиожурналистикада жанрлар кўп. Назаримда, бизнинг соҳада ҳозирги кунда энг янги ва кичик жанр аудиоролик ҳисобланади. Энг кичик жанр, дейилганда биз, албатта, биринчи навбатда, хронометражни назарда тутяпмиз. Айрим илмий манбаларда роликлар 15 сониядан 45 сониягача бўлиши лозимлиги қайд этилган. 15 сониялик қисқа роликларда 25 та сўз, 30 сониялик кенг тарқалган (стандарт) роликларда 45, 45 сониялик роликларда эса 80 та сўз ишлатилса, мақсадга мувофиқ бўлиши айтилган. Нима бўлган тақдирда ҳам уларга қўйилаётган биринчи талаб — қисқалик. Қисқа фурсатлар ичида кенг маълумот бериш учун эса аниқлик талаб этилади ва ҳоказо...

Бироқ моҳияти, маъни кўлами ва жамият ҳаётидаги функциясига кўра унинг таъсир кучи энг йирик радиоасарларни кидан ҳам юқорироқ бўлади. Чунки бугунги тезкор ва шиддатли замонамизда кишилар икки соат давом этадиган радиопостановкани тинглагандан кўра, узоги билан бир-икки дақиқа вақтингизни оладиган роликни афзал билишади. Шунинг учун, аксарият ҳолларда, энг долзарб ижтимоий муаммоларга қарши курашишда айнан ушбу жанр танланади. Чекиш ёки ичкиликбозликнинг аянчли оқибатлари, ОИТС ва бошқа иллаларга қарши яратилган ижтимоий роликларни кўз олдингизга келтирсангиз, фикримиз нечогли тўғри эканига амин бўласиз. Бунинг устига улар эфирдан катта вақт талаб қилмайди. Уларни дастурлар оралигига ёки исталган эшилтириш ёки концерт дастурларининг ичида ҳам бериш мумкин.

Кейинги йилларда нуфузли ҳалқаро ташкилотлар томонидан ҳар йили глобал аҳамиятга эга бўлган муаммолар бўйича роликлар танловлари эълон қилиниши ҳам радиодаги "кенжা" жанрнинг аҳамиятини англаб етишимизга хизмат қилади.

Мана, бир неча йилдирки, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси тизимидағи телерадиоканаллар ижодкорлари ўртасида "MTRK SOVRINI" анъанавий кўрик-танлови мунтазам ўтказиб келинмоқда. Унда "Энг яхши радиоролик"

номинацияси ҳам ташкил этилган. Бу ҳам ижтимоий ҳаётда роликларга нисбатан эҳтиёжнинг тобора ортиб бораёттанидан далолат эмасми?

Бундан ташқари, Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан бир неча йиллардан буён анъанавий тарзда Ижтимоий телерадиороликлар миллий фестивали ўтказиб келинмоқда. Унда мамлакатимиздаги нодавлат телерадиоканаллар журналистлари ижтимоий аҳамиятта молик мавзулардаги ижодий ишлари билан иштирок этади. Нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат иотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблагларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамгармаси, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Давлат солиқ қўмитаси, "Камолот" ёшлир ижтимоий ҳаракати, Бош прокуратура, Адлия, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Журналистлар ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Экологик ҳаракати каби қатор жамоат ва халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида анъанавий тарзда ўтказилаётган мазкур фестивал ҳам роликлар бугунги кунда телерадио тизимида тарғиботнинг энг фаол усулларидан бирига айланиб бораётганлигини тасдиқлади, назаримда.

Хуш, ўзи ролик нима? "Ўзбек тилининг изоҳли лугати" да келтирилишича, ролик немис тилидаги tolle сўзидан олинган бўлиб, ўзбек тилида гўла, ўқ, деган маъноларни англатади. Тушуниб турибсизки, ўқ, дейилганда бу ерда, арава ёки машиналарнинг гилдиракларида ишлатиладиган деталь, яна ҳам аниқрорги, айланиб турувчи нарса назарда тутилган. Аслида эса, бироз муболага билан айтганда, телерадио тизимидағи роликларни миљиқнинг, ҳатто автоматнинг ўқига ҳам қиёс қиласа бўлаверади. Чунки у нишонга худди ўқ каби қадалади, агар "овчи" моҳир бўлса, албатта. Шунингдек, изоҳли лугатда бу сўз ҳозирги кунда, кўчма маънода реклама ёки ахборот мазмунидаги қисқача фильм ёки клип маъносида қўлланилиши ҳам айтиб ўтилган. Эҳтимол илмий

манбаларда ролик тушунчаси, ролик жанри назарий жи-
ҳатдан тұлиқ тавсифланған бўлиши мумкин, лекин амали-
ётчи сифатида бу ҳақда ҳар бир режиссёрининг ўз тушунча-
си, фикри ва албатта хulosаси мавжуд. Шу маънода, мен
ҳам роликнинг ўз тасаввуримдаги тавсифини келтириб
ұтсам:

Илк кўкламда, азонда майсазорда бўлганмисиз? Кечаги-
на ёмгир ёғиб ўтган. Бугун эса осмон шишадек кўм-кўк,
ойнадай тиник. Уфқдан бош кутараёттан қуёш нурлари май-
саларнинг юзида ожизгина осилиб турган шабнамда акс
этади. Ижодкор халқимиз айни ҳолатни “қатрада қуёш”, деб
таърифлайди. Аслида бу ерда Ер сайёрасидан ҳам бир неча
баробар катта бўлган офтобнинг жимитдеккина шабнамга
сиққани ҳайратимизга сазовор бўлади. Мен муҳим ижтимо-
ий масалаларнинг аянчли оқибатлари миттигина ролик шак-
лида берилишини шабнамда акс этган қуёшга қиёслагим
келади.

Масалан, сувни исроф қилмаслик, увинг ҳар бир томчи-
сидан унумли фойдаланиш зарурлиги ҳақида бир неча соат-
лаб гапириш мумкин. Бундай таҳлилий лойиҳалар ҳам мав-
жуд. Аммо агар ҳар куни шундай қилинаверса, бу радиокা-
налнинг зарарига хизмат қиласди. Нега, дейсизми? Ҳар қанча
таъсирли, қизиқарли бўлмасин, бу йўл билан тингловчини
тутиб туриб бўлмайди. Ҳамма бошқа каналга ўтиб кетган-
дан кейин эса минг гапирган билан фойда йўқ. Чунки сув-
дан тежамкорлик билан фойдаланиш ҳақида биз эсимизни
таниганимиздан бўён эшитамиз. Шунинг учун бу мавзуу биз-
га зерикарли. Аммо режиссёр аудиоролик шаклида худди
шу мавзуда мўъжаз асарча яратса, тингловчига малол кел-
маслиги мумкин. Уни кун давомида бир неча марта эфирга
узатиш имконияти ҳам пайдо бўлади. Бунинг учун нима
қилиш кераклигини ҳамкасбларимизнинг ўзлари жуда яхши
билишади. Муҳими, эътиборни, тингловчи эътиборини тор-
та олиш.

Умуман олганда, аудиоролик жанрининг пайдо бўлиши
tinglovchilar онгу тафаккурининг юксалиб бораёттанидан
далолат беради, дейиш мумкин. Бугунги кун тингловчиси
муаммо қўйилган, у атрофлича таҳдил этилган ва муайян

хулоса чиқарилган, энг ёмони, худди шу хулоса, қанчалик муҳим бўлишидан қатъи назар ўзига ҳам тиқиширилаётган асарларни ёқтирамайди. У ўйлашга, мулоҳаза юритишга чорловчи шакларни ёқтиради. Хулосани ўзи чиқаришини хоҳладиди. Аудиороликлар тингловчининг ана шувдай инжиқ талабларига ҳам тӯла мос келиши билан тобора ҳаётийлик касб этиб бормоқда.

Ўз характерига кўра аудиороликлар бир неча турга бўлиниади. Масалан,

- § Реклама роликлари,
- § Ижтимоий роликлар,
- § Имиж роликлари,
- § Роликсифат эшиттиришлар ва ҳоказо...

Реклама роликлари нима эканлиги ёшу қари, эркагу аёл, барча-барчага маълум. Ҳатто уларни тайёрлашнинг ўзига хос тартиб-қоидалари, эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлари ҳам мавжуд. Масалан, битта роликда бир маҳсулотни тарғиб қилиш, уларни ортиқча ахборотлар билан тўлдирмаслик, биринчи тинглашдаёқ тушунарли бўлиш, аниқлик ва бошқалар.

Ижтимоий роликлар ижтимоий масалалар, ижтимоий муаммоларга қаратилганлигини ҳам кўпчилик яхши билади. Уларни тайёрлашнинг ҳам ўз тартиб-тамойиллари мавжуд. Имиж роликлари, дейилганда эса ҳар бир радиоканал ёки ундаги муайян эшиттиришларнинг қиёфасини белгилайдиган роликлар тушунилади. Ява ҳам чуқурлашадиган бўлсак, уларнинг жингил, заставка, слоган деб юритилувчи турларга ажратилишини ҳам билиб қўйганингиз зарар қилмайди.

Бутунги кунда барча радиоканалларда ролик яратиш билан шугуулланадиган алоҳида гуруҳлар ташкил этилган. Шу урицда, бу нарса жаҳон тажрибасидан олингандагини ҳам зътироф этиб ўтиш жоиз. Бундай гуруҳларга энг қобилиятли, замонавий радионинг юксак талабларини чуқур идрок этадиган режиссёrlар жалб этилади.

Кейинги йилларда радиожурналистика ва радиорежиссурада шаклан ва мазмунан радиороликка ўхшаб кетадиган бошқа маҳсулотлар ҳам пайдо бўлмоқдаки, улардан бири радиоанонсдир. Айрим ҳолларда радиомаҳсулотнинг бу икки

тури аслида бир нарса, деган тушунчалар ҳам учраб турсада, менимча, улар ўртасида мазмун жиҳатидан катта фарқ бор. Буни радиоанонс ҳақидаги фикрларимиз билан танишгач, ўзингиз тушуниб этишингизга ишончимиз комил.

РАДИОАНОНС

Телерадио тизимида кейинги йилларда кенг тарқалаётган маҳсулот шакларидан яна бири, шубҳасиз, анонслар ҳисобланади. Эҳтимол баъзи бировлар анонсларни жанр сифатида эътироф этишга қаршилик кўрсатар, аммо, менимча, улар гарчи хронометражи кичкина бўлса ҳам, ўз тутуни, юқори нуқтаси ва ечимига эга бўлган митти асар сифатида эътироф этишга лойиқ. Анонслар қайсиdir жиҳатлари билан роликларга ухшаб кетади. Уларда ҳам тарғибот биринчи ўринда туради. Аммо анонслар роликлардан фарқли улароқ, телерадиомаҳсулотларнинг тарғиботидир. Яъни унда яқин кунларда эфирга узатилиши мўлжалланаётган телерадиомаҳсулот ҳақида олдиндан ахборот берилади. Яна ҳам аниқроги, тингловчида бу эшиттиришга нисбатан қизиқиш уйготишга ҳаракат мужассам бўлади.

“Ўзбек тилининг изоҳли лугати”да берилишича, анонс французча *annonce* сўзидан олинган бўлиб, оммавий ахборот зълони маъносини англатади. Лугатда у гастроль, спектакль, концерт ва шу кабилар ҳақидаги олдиндан тарқатилган зълон эканлиги айтилган. Шунингдек, анонслар реклама характеристида булиши шартлиги қайд этилган.

Мутахассис сифатида эътироф этишим жоизки, эшиттиришдан кўра у ҳақидаги анонс қизиқарлироқ чиқмаса, бундай анонсдан воз кечган маъқул. Чунки анонси тингловчнинг эътиборини тортмаса, эшиттириш ҳар қанча қизиқарли бўлмасин, анонс унинг зарарига ишлайди.

Менимча, анонснинг матнини эшиттириш муаллифи ёзгандан кўра, шу йўналишга ихтисослашган бошқа ижодкор ёзгани самаралироқ бўлади. Буни телерадиоканаллардаги амалиёт ва тўпланган тажриба ҳам тасдиқлаши мумкин. Баъзи радиоканалларда ёзиш малакасини згаллаган режиссёrlар бу ишни мутлақо мустақил тарзда амалга оширмоқдалар. Натижалар эса ёмон эмас.



Шахноза Дұстмұхаммедова (чапдан бириңчи) үзи үкіган
әшиттиришларга режиссёрлик килади.



Тошкент радиоәшиттириш уйиннинг 5-студиясида навбатдаги
радиофильм ёзіб олинмоқда. Элдор Эргашев ўрганиш жарабында.



Режиссёр ва бошловчи
Саида Ҳайбатова.



Латофатли мұхаррир ва
музыкашунос Зулғизар
Каримова.



"Тошкент" радиоканали режиссёри Асқар Рустамхұжаев.

Назаримда, гарчи энди-энди шаклланётган бўлса ҳам келгусида анонслар телерадио тизимида муҳим ўринга эга бўлади. Аммо улар миллий радио тизимимизда режиссура нуқтаси назаридан ҳозирча аниқ шакл ёки муайян кўринишда эмас. Ҳар бир радиоканалдаги бу жанрда ижод қиладиган кишиларнинг ўз дунёқараши ва тафаккур тарзи даражасида, ўзига хос тарзда тайёрланмоқда. Айрим радиоканаллар ижодкорлари ҳозиргача уни шунчаки радиодастур эълони маънисида тушунаётгани ва шунга монанд ҳаракат қилаётгани ачинарлидир. Йиллар ўтиши билан бу хусусда ҳам бирор тажриба түшланиб, энг яхши жиҳатлари олинган муайян шакл яратилишига ишончим комил. Чунки, бизнингча, бу борада турли радиоканалларнинг усул ва услублари бирбиридан кескин фарқ қиласлиги керак.

Радиорежиссёргининг маҳорати, интилиш ва изланишлари самарасини нафақат кичик хронометражли маҳсулотлар, балки турли радиожурналистика жанрларидағи эшиттиришларда ҳам сезиш қийин эмас.

РАДИОЖУРНАЛИСТИКАНИНГ БОШҚА ЖАНРЛАРИ РЕЖИССУРАСИ

Радиожурналистикада ижтимоий-сиёсий (хабар, репортаж, шарҳ, интервью, сұхбат), бадиий-публицистик (радиоочерк, радиофильм, радиокомпозиция), бадиий (радиоинсценировка, радиопьеса, радиомонтаж ва бошқалар) жанрлардаги эшиттиришлар эфирга узатилиши барчамизга яхши маълум.

Хабар, шарҳ, интервью, репортаж каби информацион жанрлардаги материаллар асосан радиожурналист гоясига кўра тайёрланиши ҳақида юқорида айтган эдик. Шундай бўлишига қарамасдан, бу йўналишдаги маҳсулотларни тайёрлашда ҳам режиссёргининг ўрни муҳимлигини таъкидлаш жоиз. Шу ўринда энди ишга келган пайтларимда ўзим гувоҳ бўлган бир воқеани эслаб ўтмоқчиман. Режиссёр ҳамкасларимиздан бири студияда ахборот йўналишидаги эшиттиришни ёзаёттанди. Юқори малакага эга бўлган сухандон матнни чиройли тарзда ўқиб берди. Ҳаммаси жойида эди. Бироқ

шу пайт студияга кириб келган бошқа бир режиссёр ишнинг "белига тепди". У ҳамкасбига бу сухандоннинг овоз имкониятлари катталиги, салгина ҳаракат қилинса, бундан ҳам яхшироқ ўқиши мумкинлигини айтди ва кутиб ўтирамасдан ўзи режиссёрик пультидаги тегишли тутмачани босиб, "Қайтадан ёзамиз, шошилма, ҳар бир сўзни аниқ ва равон талаффуз қилишга интил, озгина юрак бериш керак", деб сухандонга кўрсатма бериб, ишга киришиб кетди.

Бу режиссёрининг ишчан кайфияти ва талабчанлигини тўгри тушунган сухандон матнни ўзгача бир руҳ билан ўқишига киришди. Лекин бу ҳам режиссёри қониктирмади. "Кайфият, кайфият етишмаяпти", деб сухандонни янада яхшироқ ишлашга чақирди. Ниҳоят эшилтириш қайтадан ёзилди. Бир киши ўқиган матнининг биринчиси билан иккинчиси ўртасида катта фарқ бор эди. Энг қизиги, бундан "бурни ерга ишқаланган" сухандон ҳам хурсанд бўлди. Тингловчиларга яхши сифатта эга бўлган маҳсулот тақдим этилди.

Демак, бошловчи ёки дикторнинг ички имкониятларини топа олиш ва ишга солиш ҳам режиссёрининг маҳоратига боғлиқ эканда, деган хуносага келганман.

Тўгрисини айтиш керак, телерадиоканалларнинг кундузги эфир вақтида таҳлилий-тематик маҳсулотларга катта ўрин ажратилади. Уларни тингловчи дидига мос ҳолатда етказиш муаллифлар билан бир пайтда режиссёрининг зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Бу йўналишдаги эшилтиришларда ҳам режиссёрининг "дастхат"и акс этиб туради. Бундан ташқари эшилтиришда сўз юритилаёттан мавзууга мос оҳанглар топа олиш, бошловчининг маромига етказиб ўқишига эътибор бериш ёки бўлмаса ўша корхонага хос бўлган товушлардан фойдаланиш ҳам тингловчидаги ҳолатни яхшироқ тасаввур этишга имконият яратади.

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, маданий ҳамда спорт мавзуларидаги эшилтиришларда ҳам бунга ўхшаш эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар кўп. Таңланган мусиқанинг ритми, оҳангига ҳам кўп нарсани белгилаб туради. Аммо бу ерда нозик бир масала борки, унга ҳам аниқлик киритиб ўтмасак бўлмас. Биз юқорида режиссёр гояси, журналист гояси, санъатта алоқадор радиомаҳсулот-

лар ҳақида ҳам тұхталған здик. Үша пайтда таъкидлагани миздек, информацион жанрлардаги ёки турли мавзуларданғи таҳлилий эшитиришларга нисбатан "Санъат асари", деған иборани ишилатиш, нотүтри. Чунки улар радиожурналистика намуналари ҳисобланади.

Шу үринде устозимиз Гулчөхра Гиёсованинг "Садо" газетаси мұхбири билан сұхбат пайтида айтған мулоҳазаларига зерттиборингизни тортмоқчимиз. "Кино ва театрда (Менимча телевидение ва радиодаги бадий асарларда ҳам — А.Қ) муаллифнинг гояси четда қолиб, режиссёр үз қарашларини үтказишга ҳаракат қилади. Радиода режиссёр ва муаллиф ҳамкорлиги — әнг самарали үслубдир. Яъни кундалик эшитиришларда муаллифнинг гояси етакчилик қилиб туради".

Менимча, устоз режиссёрнинг бу сұзларига ортиқча изоҳ беріб үтиришга қожат йўқ. Кимнинг гояси еткачилик қилишидан қатъи назар, режиссёрнинг үзига хос үслуби сақлағынб қолаверади. Аммо бизнинг соҳамизда ҳақиқий маҳорат мактаби адабий радиоасарларда яратылған, десак, муболага бўлмайди. Чунки бу йўналишдаги маҳсулотлар орадан бир неча йиллар үтсада, үз бадий қийматини йўқотмайди, давр синовларига дош беріб, кейинги авлоддарнинг ҳам бадий-эстетик дидини шакллантириш, уларга адабий завқ-шавқ улашишдек эзгу мақсадларга хизмат қилаверади. Шунинг учун ҳар бир радиорежиссёр радио архивини ана шундай маҳсулотлар билан бойитишга ҳаракат қилади.

АДАБИЙ РАДИОАСАРЛАР РЕЖИССУРАСИ

Миллий радиорежиссурамизда йирик ҳажмли бадий асарлар яратиш бўйича кўп йиллик тажриба тұпланған. Шу үринде алоҳида таъкидлаш жоизки, бадий радиомаҳсулотлар яратиш учун нафақат катта маҳорат, балки техник жиҳозларнинг юқори даражада бўлиши ҳам талаб этилади. Мамлакатимизда айни йўналишдаги ишлар босқиччма - босқич такомиллашиб боргандигини кузатиш мумкин. Адабий бадий йўналишдаги умрбоқий асарлар яратышда моно усулидаги эмас, стерео усулида яратылған асарларнинг техник сифати мукаммал бўлишини бугун ҳамкасбларимиз яхши

билишади. Радио кенг тарқала бошлаган XX асрнинг ўрталарида бундай услугуб Ўзбекистон шароитида ҳали йўқ эди. Тарихий манбаларда келтирилишича, 1962 йил Республика радиосида биринчи маротаба стерео усулидаги адабий-мусиқий асарлар ёзилган. Дамир Шокировнинг худди шундай усуlda ёзилган "Кришан Чандр", Файбулла Нишоновнинг "Бахмал", Маннон Убайдуллаевнинг "Данте юбилейи", "Қотиллар", Рустам Қурбоновнинг "Жодасен" асарлари ўша даврдаги Москва радиоси овоз режиссёрлари томонидан юқори баҳоланганилиги манбалардан маълум. Булар стерео усулида ёзилган дастлабки асарлар бўлсада, ҳали бу вақтда бундай усуlda ёзишга мўлжалланган аппаратхоналар деярли йўқ эди. Устоз режиссёрлар, айниқса Набижон Ҳасановнинг бу борадаги саъӣ-ҳаракатлари ҳозиргача издоплали томонидан зътироф этиб келинади. Хуллас, 1970 йилда Республика радиоэшиттириш ва овоз ёзиш уйида бадиий асарлар ёзиш учун учта аппаратхонани стерео турдаги янги ускуналар билан жиҳозлаш бошланиб, 1972 йилдан худди шундай усуладаги бадиий ёзувлар ёзиш кенг кўламда бошлаб юборилган.

1982 йилга келиб, Тошкент радиоэшиттириш уйида бадиий эшиттиришлар тайёрлашга мўлжалланган уч қаватли кўшимча бино ишга туширилди. Бу бинода катта бадиий жамоалар асарларини ёзиш учун ўлчами 545 метр/кв. бўлган катта студия, ўлчами 287 метр/кв. бўлган ўрта ҳажмдаги студия, драматик эшиттиришларни ҳамда ҳар хил турдаги радиоспектакларни ёзишга мўлжалланган иккита студия ва бир қанча монтажхоналар фойдаланишга топширилди. Бундай техник имкониятлардан самарали фойдаланган устозларимиз жуда кўп юқори сифатли, тингловчибоп адабий-бадиий маҳсулотлар яратишиди. Уларнинг ҳаммаси ҳақида тўхталиш анча мураккаб иш.

Дастлабки вақтларда барча эшиттиришлар бевосита студиядан жонли тарзда эфирга узатилганлиги сингари постновкалар ҳам шу студияларда тайёрланиб, икки - уч репетициядан кейин эфирга узатилган. Уларни мусиқий бойитища жонли ансамбл кўмаклашган. Уларда фойдаланилиши лозим бўлган бадиий эффектлар ҳам асар мазмунига мослаш-

тирилиб, бевосита студиянинг ўзида ташкил қилинган. Дейлик, дengиз шовқини ёки дарё тошқинининг овози керак бўлса, худди шундай товуш ҳосил қиласиган ҳаракатлар қилинган, замбараклар овози керак бўлса, катта тошилар пол устида юмалатилган, қушларнинг овозлари керак бўлса, қўлда ясалган ҳуштаклардан фойдаланилган. Вақт ўтиб радио биносида шовқинлар ёзиш учун махсус студия ажратилиб, керакли жиҳоз ва анжомлар билан таъминланган. Кейинроқ эса магнит ленталари ишлаб чиқарилгандан сўнг табиат шовқинлари, мусиқалар тайёрлашда магнит ленталаридан фойдаланилган ва эфирга ана шу магнит ленталари орқали узатилгая. То 2000 йилларга қадар ҳамкасларимиз худди шундай усулда ишлашган. Бу вақт мобайнида ўзбек ва жаҳон адабиётининг нодир дурдоналари асосида юзлаб йирик ҳажмили радиоасарлар яратилган. Кейинги йилларда ҳам бу йўналишдаги ишлар баҳоли қудрат давом эттирилмоқда. "Алпомиш" достони асосида ўттиз қисмли спектакль, Эшқобил Шукурнинг "Олча гули", Усмон Азимнинг "Баҳт қуши", "Беором умр", Хуршид Давроннинг "Алгул" ёхуд Мирзо Улугбек" каби йигирмадан ортиқ радиоспектакль ва радиоинсценировкалар яратилиб тингловчилар ҳукмига ҳавола қилинди. Улар ўз мухлисларини топиб ултурганига шубҳа йўқ.

Бугунги кунга келиб, адабий радиоасарларда ишлатиладиган ҳар хил воситалар, эфектлар — исталган қуш ёки бошқа мавжудотларнинг товушлари, шамол, бўрон, ёмғир ёки дўлдан тортиб, эшик очилиб-ёпилганда чиқадиган овозларгача, барча-барчаси замонавий жиҳозларнинг ўзларида мавжуд. Бундан ташқари, Тошкент радиоэшиттириш уйидаги аппарат-студия блокларида ҳар қандай овозни ўзингиз хоҳлаган ҳолатга келтириш, тезлаштириш ёки секинлаштириш, интичка ёхуд йўғонлаштириш имкониятлари ҳам бор. Бадий асарларда роль ижро этадиган санъаткорларни танлаш имкониятлари ҳам етарли. Адабиётни севадиган, уни нозик ҳис қиласиган режиссёrlар бемалол, керак бўлса, яйраб ижод қилишлари мумкин. Фақат, бунинг учун зарур бўладиган айрим жиҳатларни, масалан, эфектлар билан ишлаш тартибини яхши билсалар, қолгани бирмунича осон кечади.

РАДИОРЕЖИССУРАДА ЭФФЕКТЛАР БИЛАН ИШЛАШ

Кундалик ҳаётда қурувчиларнинг ишини ҳеч кузатганимисиз? Улар бир хил ўлчам ва бир хил кўринишдаги гиштларни терар экан, деворнинг тўғри, силлиқ, мустаҳкам ва чиройли чиқишига жиддий эътибор қаратади. Шунинг учун қўлига тушган гиштни эмас, балки энг яхшиларини, ўринида танлаб теришга интилади. Баъзан катта, баъзи ўринларда эса кичикроқ гиштларни ишлатади. Радиорежиссурада эфектлар билан ишлапни ҳам қурувчиларнинг ана шу машиқатли меҳнатига қиёс қилиш мумкин. Эсимда борида айтиб қуяй, эфектлар олдинлари аксарият ҳолларда бадиий кўринишдаги эшиттиришларда ишлатилган. Ҳозир эса вазият бошқачароқ. Эплаган, йўлини топган режиссёrlар мавзули эшиттиришларда ҳам улардан усталик билан фойдаланишяпти.

— Бадиий Кенгаш аъзолари янги радиоасарни муҳокама қилишаётганди, — дейди Рустам Расулов. — Бир ўринда ниманингдир гичирлаган овози берилган экан. Режиссёрдан "У нима?" деб сўрадим. "Сўри", деб жавоб қайтарди. "Сўрилигини сиз билишингиз мумкин, лекин тингловчи унинг нима эканлигини, нега гичирлаганлигини англай олмайди", дедим ва муаллиф билан келишган ҳолда ўша эпизодда иштирок этаётган қаҳрамонлардан бири "Шу сурини ҳам тузатиб қўймадингизда, гичирлагани-гичирлаган", деган гапни айтадиган бўлди. Бу нарса берилаёттан эфектни оқлаш дейилади.

Ҳақиқатдан ҳам, радиоасардаги воқеалар билан боғлиқ эфектлардан фойдаланаётганда масаланинг ана шу жиҳатларига катта эътибор қаратиш зарур. Дейлик, асар қаҳрамонлари автомашинанинг ичидаги ўтириб гаплашиб кетишияпти. Бундай ҳолатда автомобиль овозини шунга мос тарзда танлаш керак. У енгил машинами ёки катта тезликда ҳаракатланяптими, шулар ҳисобга олинади. Машинанинг ичидан эшитилган товуш билан ташқаридағиси бир-биридан фарқ қиласи. Буни ҳам эътиборда четда қолдириб бўлмайди. Двигателининг

бүгиқ ёки зўриқиб ишлабёттани ёхуд машина равон йўлда елдек учайдиганини ифодаловчи эффектлар асар руҳиятидан келиб чиқиб танланса, у қаҳрамоннинг кайғиятини, руҳий оламини очишга хизмат қиласа, радиомаҳсулот динамикаси ҳам таъминланган бўлади.

Атоқли ёзувчи Чингиз Айтматовнинг “Сарвқомат дилбарам” қиссанини кўпчилик мутолаа қилганига шубҳа йўқ. Асар қаҳрамони — ҳайдовчи Илеснинг довондан ўтиш манзарасини эслаб кўринг. Мутолаа жараёнида автомобилнинг ҳолати бош қаҳрамон руҳияти билан уйгунашган тарзда ўкувчига ҳам кучади. Сиз ҳам қалбан машинанинг чексиз-чегарасиздек кўринган довон йўлидаги бир қадар ингрокли овозини ҳис қилгандек бўласиз. Қисқача қилиб айтганда шу манзаранинг ўзида ёзувчи бадиий “эфект”лардан шундай фойдаланганки, ҳаммаси худди шундай бўлишига ишонмасдан иложингиз йўқ. Сатрлар орасига мусиқа, оҳанг, қалб, руҳ каби қўл билан тутиб бўлмас воситалар усталик билан жойлаштириб чиқилгандек гўё. Адивнинг маҳорати ҳам шунда-да. Радиорежиссер ҳам шундай ҳолатларни тасвирлаётганда соҳтакорлик, алдов аралаштирумасдан ҳамма нарсани ўз мусиқаси, овози, оҳангни билан ифодалashi керак.

Худди шунингдек, оломон билан боғлиқ ёки жанг, тала-балар аудиторияси ёхуд катта кўча, хонадон ё ресторан билан боғлиқ саҳналарда ҳам эффектларни ўрни-ўрнида, ишонарли тарзда ишлатиш зарур. Дейлик, ҳаётда оддий итнинг овози бир неча хил кўринишга эга. У эгасига эркаланаб “гингиллаши”, безовта ҳуриши, ярим тунда уйқусираб, шунчаки акиллаши, яқинидаги хавфни сезгандан тўсатдан вовуллаб қолиши ва шунга ўхшаш ўнлаб ҳолатлар мавжудки, уларнинг барчасини ажратса билиш, ўз ўрнида ишлатиш радиорежиссердан катта маҳорат талаб қилювчи ишдир.

Шу ўринда, менимча “эфект” тушунчасига ҳам бироз изоҳ бериб кетсан, фойдадан холи бўлмайди. “Ўзбек тилининг изоҳли лутати”да қайд этилишича, у effectus деган лотинча сўздан олинган бўлиб, ҳаракат, фаолият; натижা каби маъноларни англатади. Бизнинг соҳамизда у “Мослама, қурилма ва шу кабилар воситасида муайян таъсир, таассурут тудириувчи восита, усул” маъноларида қўлланилади.

Театрда "шовқин эффеクト", деган ибора ҳам құлланилади.

Шуларни инобатта олган ҳолда айтиш мүмкінки, эффектлар тасвирланаётган бадий асар хусусида тингловчида күпроқ тасаввур ҳосил қилиш учун ишлатилади. Режиссеранинг барча турларида эффектлардан фойдаланилади. Масалан, театр ёки кино, телережиссурада улар воқеалар кечәётган жойнинг үзига хос шовқини, товушлар дүнёсини томошабин онгига қандай бұлса, шундайлигича етказишга хизмат қиласы. Бу жараёнда тасвирлар ёки ҳаракаттар ҳам бұлғанлиги учун бироз енгилроқ кечиши мүмкін. Радиорежиссурада зса зыңг катта ва асосий қуроллардан бири эффектлар ҳисобланади. Улардан шундай фойдаланиш керакки, тинглаб үтирган одам үзини шу воқеаларнинг ичидә юргандек, асар қаҳрамонлари билан биргә яшаётгандек, бир дастурхон атрофида үтиргандек ҳис қиласын. Улarda бериләётган эффектта нисбатан заррача ишончсызлик пайдо бүлдими, демек, бу нарса үзини оқламайды, қылған ишинизге нисбатан бефарқлық ҳосил қиласы.

Яна бир гап, кейинги йилларда эффектларни излаб то-пип анча осонлашты. Барча соҳаларда бұлғаны каби бу ерда ҳам сизга зыңг қийин вазиятларда интернет тармоги ёрдамға келиши мүмкін.

Юқорида мен эффектлар билан ишлашни бежиз қурувчининг меңнатига қиёс қылмадым. Аслида бу жараённи бошқа меңнат турларига қиёс қылсак ҳам бұларди. Агар қурувчи хатоликка йўл қўйса, қурған иморати қийшиқ чиқиши, қулаб тушибиши мүмкин бұлғаны сингари режиссёр ҳам салгина хатога йўл қўйса яраттан маҳсулоти сифатсиз бўлиб қолишини тасаввур этиш осонроқ.

Умуман олганда, бу мавзуда кейинги ўринларда ҳам тұхталиб, устозларимиз биргина бадий шовқинни яратиш учун қанчалар меңнат қылгани, қандай мұхим "ихтиро"ларга қўл уришгани ҳақида ҳам маълумотлар беришга ҳаракат қиласы.



Яна бир эшиттириш сайқалланмоқда.



"Санъатимиз дарғалари" эшиттириши мүаллифи Раъно Мухамедова,
режиссёри Саида Ҳайбатова.



Бевосита эфир. Аҳаджон Қурбонов овоз оператори Сайдмурод Олимов билан.



Эшиттириш яхши чиқди. Кайфият аъло. Муҳаррирлар Ҳабибулло Юнусов ва Аминбой Давлатов.

УЧИНЧИ ҚИСМ

**РАДИОРЕЖИССЁРНИНГ
МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ**

РЕЖИССУРА ВА РАДИОРЕЖИССУРА

Соддагина қилиб тушунтирганда радиорежиссурга "радио" ҳамда "режиссура" деган сўзларнинг бирикишидан ҳосил бўлган. Радио тизимиға оид режиссура, деган маънони билдиради. Демак, айни ўринда, даставвал шу икки сўз хусусидаги тушунчаларимизни мустаҳкамлаб олишимиз зарур.

"Ўзбек тилининг изоҳли лугати"да маълумот берилишича, "радио" лотинча radiate сўзидан олинган бўлиб, нур чиқармоқ, тарқатмоқ, деган маъноларни билдиради. Бу сўз бунгига кунда кўплаб маъноларда ишлатилиши мумкин ва лугатдаги иккита изоҳ биз учун тааллуқли.

Биринчиси — сигнал, овоз каби ахборотларни маълум ма софага электромагнит тўлқинлари ёрдамида симсиз узатиш ва қабул қилиш усули. Иккинчиси эса — оммавий ахборот воситаларидан бири — матнни ва мусиқий дастурларни эшиттириш, радиоэшиттириш. Эслатиб ўтамиз, лугатда жами тўртта изоҳ берилган.

Мазкур китобда "режиссёр" сўзи ҳақида ҳам маълумот берилган. Қайд этилишича, у французча regisseur сўзидан таржима қилинганда бошқарувчи, лотинча тего сўзидан таржима қилинганда эса бошқараман, деган маъноларни англатар экан. Ҳозирги кунда бу сўз саҳна ёки кино асарларни саҳналаштирувчи бадиий раҳбар, асарни тайёрлап, саҳнага қўйиш билан боғлиқ бўлган ижодий ишларнинг ташкилотчиси, бошлиги маъноларида қўлланилиши айтилган.

Демак, ушбу маълумотлардан холоса ясаладиган бўлса, радиорежиссёр радио орқали эфирга узатиладиган маҳсулотларни тайёрлайдиган ва бу жараёнга раҳбарлик қиласидиган ижодий ходим ҳисобланади.

Айтиб ўтилганидек, радиорежиссурга режиссуранинг кичик бир бўлими, лекин шундай бўлишига қарамасдан, шу пайттача, менинг назаримда, режиссёrlар ўртасида "Бу — кинорежиссёр", "Бу — телережиссёр" ёки "Бу — театр режиссёри", деган кескин ажратишлар бўлмаган. Бугунги кунда телережиссурада муваффақиятли фаолият кўрсатаётган айрим режиссёrlар илк фаолиятини радиода бошлашган. Шу билан бир пайтда, яна бир тоифа режиссёrlаримиз ҳам

теле, ҳам радио йўналишида баб-баравар ижод қилишмоқда. Буни қарангки, кўплаб ҳамкасбларимиз пойтахт ва вилоят театрларида ҳам ўзини синаб кўришган. Шуларни инобатта олган ҳолда, ҳадеб "радиорежиссураси", деявериш яхши эмасга ўхшайди.

Ўзбек радиорежиссурсининг улкан чинорларидан бири Жавлон Тошхўжаев радиода 200 дан ортиқ радиопостановка, спектакль ва пьесалар яратиб бўлгач, салкам йигирма йиллар давомида республика театрлари, хусусан Андижон театрида фаолият кўрсатди. Назаримда, худди шу кунларда ҳам айрим ҳамкасбларимиз Тошкент шаҳридаги бაъзи театрлар билан ҳамкорлик ришталарини мустаҳкам bogлашган.

— Режиссёрик кишидан жуда катта масъулият талаб этадиган, ниҳоятда мураккаб касб, — дейди ҳамкасбимиз, телерадиорежиссураси бўйича муваффақиятли фаолият кўрсатадиган Насимжон Муинов "Садо" газетаси мухбири билан сұхбатда. — Бу соҳа вакилларининг "Мен — радиорежиссёрман" ёки "Телевидениега ихтисослашганман", дея ўзини чеклашта ҳаққи йўқ. Мана, кўплаб устозларимиз фаолиятини радиода бошлаган бўлсада, ҳозирги кунда телевидение йўналишида муваффақиятли ишлаб, қатор ютуқларни қўлга киритишмоқда. Шунингдек, Компаниямизнинг "олтин фондидаги бирорта ҳам адабий-драматик асари бўлмаган ижодкорнинг "Мен — режиссёрман", деб кўкрак кериши кулгили.

— Режиссёрик — ноёб касб, у ҳам журналистикага, ҳам актёрликка яқин, ҳам катта ташкилотчилик қобилиятини талаб қиласди, — дейди кўплаб фильмлари билан томошибинлар эътиборини қозонган устоз режиссёр Ҳайбат Алиев "Садо" газетаси мухбирига берган интервьюсида. — Режиссёр биринчи навбатда ўз муҳарририни тоғиб олиши керак. Шундай фикрдаманки, муҳаррирлар режиссёрдан билимлироқ, тажрибалироқ бўлиши керак.

Хумлас, бу каби фикрларда ҳам режиссёрик яхлит касб эканлиги таъкидланмоқда. Шуларни инобатта олиб айтадиган бўлсан, барча режиссёrlарга қўйиладиган талаб бирхил, аммо индивидуал хусусиятларига кўра, ички бўлининшлар бир-биридан фарқ қиласди.

Режиссёр мутахассислигини эгаллаган киши эса у ёки бу йўналишга ўтиб фаолиятини давом эттириши мумкин. Режиссёrlик малакаси етарли бўлса бўлди.

РАДИОРЕЖИССЁРНИНГ МАЛАКАСИ

Ҳар бир касбнинг ўз малака талаблари бор. Бу, менимча, мутахассислар эгаллаши лозим бўлган бирламчи хусусият ҳисобланади. Масалан, радиорежиссёр эшитимли, қизиқарли, тингловчини сеҳрлаб қўядиган асар яратиши лозим. Бунинг учун у бадиий адабиётларга мурожаат қилиши табиий. Демак, у адабиётни профессионал даражада ўрганиши талаб этилади. Ўзбек ва жаҳон адабиёти дурданалари билан ошно тутилмаган режиссёр яхши мутахассис бўла олмайди. Бу, албатта, ёлгизгина менинг фикрим эмас, шу соҳада ном чиқарган устозларимизнинг ёши бир жойга етганда англаган ҳақиқати, ҳаётий хуносаси. Масалан, Жавлон Тошхўжаев бу ҳақда сўз юритар экан, “Ўзбек адабиётининг етуқ вакили Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар”, “Меҳробдан чаён”, “Обид кетмон” асарларини радиолаштиридим. “Ўтган кунлар” асарини етмиш марта ўқиб чиққанимдагина, муаллифнинг қалбини ҳис қилганим боис, унинг асосида радиоасар ёзишга етилганимни сездим. Ҳар бир ёзиладиган асарга алоҳида масъулият билан ёндашиб зарурлигини устозларимдан ўргандим. Жаҳон адабиёти класиклари Шиллер, Шекспир, Гёте, рус адабиёти намояндалари Пушкин, Лермонтовнинг машҳур асарларини радиопостановка қилишга мушарраф бўлганим билан фахрланаман.

Ўзбек адабиётининг ёрқин намояндалари Ойбек, Собир Абдулла, Ҳабибий, Саид Аҳмад, Пиримқул Қодиров, Шукур Холмирзаев, Ўткир Ҳошимов асарларини радиопостановка қилиб, улардан тингловчилар бугун ҳам баҳра олаёттани менинг қувонтиради”.

— Институтда бизга қўйилган энг катта талаблардан бири — бадиий китоблар ўқиш эди, — деб хотирлайди режиссёр ҳамкасбимиз Нодир Комилов. — Ўқиганда ҳам энг сараларини танлаб ўқиш. Маъмур Умаров деган ўқитувчи менга



Тошкент радиозиңтириш уйи. Овуз ёзиш хизмати бошлиғи
Шұхрат Одилов.



Мұхаррір Раъно Мұхамедова.



"Болалар дунёси" эшиттиришининг муаллифи ва бошловчиси
Шахзода Жўраева жаёки бошловчилар даврасида.



Режиссёр Аҳаджон Курбонов ва Шахзода Жўраева.

Жек Лондоннинг “Мартин Иден” асарини ўқиб чиқишни тавсия қилганди. Шу пайтгача мазкур китобни ўн марта ўқиб чиққанман. Ҳар гал ундан турли таассуротлар олганман. Орзу-истаклар йўлидаги ҳаракатлар, умидлар рӯёбидан кейинги мураккабликлар, бир умр интилган чўққидаги манзара қаҳрамон орзусидек бўлиб чиқмагани, характерлар тўқнапнуви...

Қолаверса, Федор Достоевский, Антон Чехов, Чингиз Айтматов, Абдулла Қаҳдор каби адиллар асарларини севиб ўқийман.

Атоқли устозимиз Ҳайбат Алиев ҳам режиссёрдан талаб этиладиган биринчи жиҳат кўп ўқиш эканлигини айтади ва ўзи ҳам ёшлигидан бадиий адабиётга дўст тутингланлигини қониқиши билан эслайди. Бу унинг фаолиятида жуда қўл келганлигини яраттан асарларидан ҳам билиш қийин эмас.

Демак, шуларни ҳисобга олиб айтадиган бўлсак, режиссёр, айниқса радиорежиссёрдан биринчи навбатда талаб этиладигани бадиий адабиётни юксак даражада ўрганиш экан, деган хуносага келиш мумкин.

Режиссёрнинг асосий қуролларидан яна бири мусиқа ҳисобланади. Шу ўринда бир воқеани эслаб ўтмасам бўлмайди.

Бир тўйда турли соҳа вакиллари билан бир дастурхон атрофида ўтиришга тўғри келди. Режиссёр эканимни эшитган даврадошларимдан бири секингина менга юzlаниб:

— Режиссёр ўзи нима иш қиласди? — деб сўради.

— Мана сиз, — дея унга тушунча беришга ҳаракат қилдим, — илк баҳор кунларида телевизор орқали шундай бир тасвирни кўрган бўлсангиз керак, кўз ёришга шай турган куртаклар, унинг атрофида учиб юрган асалари ёки капалак ҳамда ёқимли, қалбларга баҳорий шукуҳ олиб кирувчи мусиқа.

— Ҳа, — деди сухбатдошим, — кўрганман, кўп кўрганман.

— Худди уша лавҳани режиссёр тайёrlаган бўлади, — дедим мен. — Режиссёр томошибинга “Мана, юртимизга баҳор ташриф буюрмоқда, энди дарахтлар гуллайди, атроф-оламда янгиланиш, яшарип айёми бошланади”, деган ахборотни оддий тасвирлар, табиат манзаралари ва мусиқа уйгунилигига сизга ҳавола этади. Радиода эса худди шу каби ҳолатлар мусиқа ва баҳорий товушлар орқали ифодаланади.

Хуллас, суҳбатдошимга режиссёр ким эканлиги-ю, нима иш қилишини тушунтиришга эришдим. Ўзим эса бу касбда мусиқани тушувниш, мусиқий саводхонлик талаб этилиши ҳақида ўйладим.

Дарҳақиқат, қайси йўналишда фаолият юритишидан қатъи назар, режиссёр мусиқани чуқур тушунадиган бўлиши шарт. Чунки режиссурани, кинода бўладими, театр ёки телевидениеда бўладими ёхуд радиода бўладими, мусиқасиз, мусиқий композициясиз тасаввур этиб бўлмайди. Шундай экан, режиссёр ўзбек миллий мусиқасини ҳам, жаҳон классикасини ҳам мукаммал билиши, Моцарт, Бетховен, Вивальди, Бах, Шопен, Рахманинов, Чайковский ёки Манас Левиев, Икром Акбаровдан тортиб, Мирсадик Тожиев, Тўлқин Курбонов, Дилором Омонуллаева, Ойдин Абдуллаевагача бўлган композиторларнинг асарларини чуқур ўзлаштирган бўлиши шарт. Шу билан бир пайтда, энг сўнгги мусиқий дурданалардан ҳам хабардор бўлиб бориши лозим.

Аслида зўр режиссёр булиш учун биргина хабардорликнинг ўзи ҳам камлик қиласди. Масалан, Набижон Ҳасанов мусиқий асарларни ёзаётганда ўзига хос янгиликлар ҳам қилиб турган. Эсингизда бўлса, бу ҳақда олдинроқ ҳам тўхталган эдик. Шу ўринда устоз фаолияти билан боғлиқ яна бир мисолга мурожаат қиласми:

“Бир куни студияда созанда Тургун Алиматовни кўриб қолдим, — дея ҳикоя қиласди у Озода Назарова билан суҳбатда. — Қўлларида танбур, ёнларидаги стулда эса дутор турибди. Икки мусиқа асбоби ва бир созанда. Мен ҳайрон бўлдим. Шунда миямга бир фикр келиб қолди. Бир созанданинг ўзи билан икки ёки ундан ортиқ асбобда янгича ансамбл тузиб кўргим келди. Шу тўғрида Тургун акага айттанимда, қандай бўлар экан, деб иккилаанди. Ёзувни эшлитиб кўрсак, гўё бир ажойиб, олий даражадаги ансамбл ижросидаги мусиқа пайдо бўлибди”.

Ана, кўрдингизми, мусиқий билимдонлик режиссёрга нечоғлиқ асқотиши мумкин. Дарвоҷе, Набижон Ҳасанов ва унинг шогирдлари Анвар Тожиев, Зокир Отабоев, Равшан Нуғмонов, Шуҳрат Одилов сингари овоз режиссёrlари мусиқий йўналишда таҳсил олишган. Бу эса уларнинг муси-

қий асарларни ёзиш ва режиссурамизнинг айни йўналишини тараққий эттиришларида ўзига хос омил бўлгани шубҳасиз.

— Ҳар бир режиссёргинг үз иш услуби бўлади, — дейди Гулчехра Гиёсовага. — Масалан, мен кўп ижодий режаларимни мусиқа орқали амалга оширишга ҳаракат қиласман. Баъзи ҳолларда танлаган актёргиз ҳолатни ўзингиз хоҳлагандек чиқариб беролмайди. Шундай пайтда тўғри танланган мусиқагина бизга ёрдам бериши мумкин. Сиз мусиқанинг кучидан моҳирона фойдаланганингизни тингловчи сезмай ҳам қолади.

Баъзи режиссёrlар уруш мавзуси ва оломон билан боғлиқ саҳналарни яхши ишлашади. Раҳматли Рустам Қурбонов шундай ижодкор эди. Равшан Қодиров радиоасар яратётганди, мусиқасиз бадиий шовқинларга таянарди. Энг нозик ўринларни ҳам ҳар хил овозлар билан "очиш"га ҳаракат қиласарди. Раҳмат Жумаев эса камер оркестри ижросидаги асарлардан фойдаланаради. Яратотган асарида образлар камроқ бўлишини хоҳларди. Кўпроқ чиройли куйлар билан радиотингловчилар қалбини забт этишга интиларди.

Кўяпсизми, барча ҳолатларда ҳам ижодкорнинг мусиқий саводхонлиги, дунёқараши, эстетик диди асқотади.

Гулчехра опанинг бу хуносалари аслида режиссёrlик малякаси ҳақидаги фикрларимизга якун бўлиши ҳам мумкин эди. Бироқ устозларимиз радиорежиссурада ҳар хил товушлардан фойдаланиш бўйича ҳам ўзига хос тажрибани мерос қилиб қолдирганки, улар хусусида ҳам бир оз тўхталиб ўтмасак, кўнглимиз хижил тортиши мумкин.

Ҳозирги кунда радиорежиссёrlар учун техник жиҳатдан барча шарт-шароитлар яратилганлигини айтдик. Илгари бундай бўлмаган. Шунинг учун устозларимиз ҳар хил товуш ва шовқинларни яратиш учун изланишга тўғри келган.

"Паркентга чиқсанман. Ана шу жойда янтоқнинг шамолдаги тебраниши овозини ёзгансман. Кундузи ёзиг бўлмаган, чунки сал нарида машиналар ўтиб турибди. Шунда ўша ерда ётиб, кечаси ёзгансман... сувларнинг оқишини ҳам, қушларнинг сайрашини ҳам Паркентдаги тогларга чиқиб ёзардим. Чунки шаҳарнинг ичидаги бунақанги овоз танлаши имконияти

йўқ...”. Булар Набиҷон Ҳасановнинг хотираларидан.

Ҳамкасбим, дўстим Алишер Амировнинг ҳам бу борада эслашта арзигулик хотиралари бор. У ҳар доим бир воқеани эслаб юради. Эмишки, устоз Раҳмат Жумаев билан ҳамкорликда таниқли ёзувчи Мурод Муҳаммад Дўстнинг “Дашту далаларда” ҳикояси асосида постановка ёзишаётганда очитнинг аянчли увлагая овози керак бўлиб қолибди. Биргина шу нарсанни топиш қийинлигидан иш бир неча кунга орқага сурилиб кетибди. Бир куни Алишер ҳозирги Тошкент давлат педагогика университети атрофидаги ҳовлилар орасидан тунда ўтиб кетаётса, худди шундай овозни эшишиб қолибди. Эртасига ўша ҳовлини топиб, эгасидан ружсат сўраб, итнинг увуллашини тасмага тушириб қайтибди.

Яширадиган жойи йўқ, бундай овозларни топиш ҳар доим ҳам осон кечавермайди. Баъзан эса бундай жараёнда латифаомуз ҳолатларга ҳам дуч келинади. Алқисса, 1996 йиллар бўлса керак, Қаҳрамон Ашурор “Пиноккионинг саргузаштлари” деб номланган постановкани ёзишга киришибди. Садриддин Муҳиддинов ёрдамчи режиссёр экан. Асарда ўтгиздан ортиқ актёrlар роль ўйнаган, уларнинг орасида Ўзбекистон халқ артистлари ҳам бор экан. Нима бўпти, денг? Эшакнинг ҳанграш овози керак бўлиб қолибди. Садр ака қаҳратон қишида катта шаҳарда эшакни қаердан топишни билмай роса қийналибди. Аммо илож йўқ, топиш керак. Тингловчини алдаб бўлмайди. Шундай кунларнинг бирида у радиода ишлайдиган таниқли, кунда-кунора таҳлилий эшитиришлари, сиёсий шарҳлари ва халқаро мавзудаги суҳбатлари билан эфирга чиқадиган машҳур радиожурналистнинг эшаги борлигини эшишиб қолади. Сўраб-суриштирса, ростдан ҳам шундай экан. Журналист ҳам Садр акамизнинг таклифини эшитибоқ рози бўлади.

Шундай қилиб, дам олиш куни эрта тонгдан диктофонни қўлтиқлаб аканинг эшигини қоқиб турибдида. Аммо ўлгур эшак деганлари бекорга ҳанграйвермас экан. Кун совуқ. Ҳовлида тушгача овора бўлиб ҳеч нарса чиқаришолмабди. Аммо, чорасиз ишнинг ўзи йўқ. Муҳими, эшак оддиларида турибди. “Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади”, деган гаплар бор. Кечгача бир амаллаб эшакнинг овозини диктофонга

туширишади. Эртаси куни ишхонага келиб, диктофондаги овозни магнит тасмага күчираётса, хонага Воҳиджон Даустмуҳамедов кириб келади. "Буни қаердан тоғдинг?", дейди карнайдан таралаётган "хониш"га ишора қилиб. Бунга зришиш осон бўлмаганинги, воқеанинг бутун тафсилотларини эшиттач, устоз журналистнинг радио орқали кўп гапиришига қиёсан:

— Қойил-э, ўзи гапиргани етмагандек, энди эшаги ҳам радиодан ҳанграйдими? — дейди. Бу гап-сўзларни таниш-билишлар ҳозиргача кулиб эслашади. Аммо бу кулгиларнинг тагида ҳам радиорежиссуранинг машаққатлари мужассам.

Шундай қилиб, 1996 йилнинг қаҳратонида таниқли журналистнинг оғилида ҳанграган эшакнинг овози ҳамон "олтин фонд"да сақланмоқда. Ўзи борми - йўқлигини билмайман.

Бу мавзудаги сўзларимизга муҳтасар хulosса ясайдиган фурсат ҳам етилиб қолди, чогимда. Демак, англашилганидек, радиорежиссёрнинг касб малакаси, дейилганда, юқорида таъкидлангандек, машаққатли вазифаларни кўз олдингизга келтираверинг. Шу билан бир пайтда бу касб соҳибидан талаб қилинадиган энг муҳим талаблардан яна бири — масъулиятдир.

РАДИОРЕЖИССЁРНИНГ МАСЬУЛИЯТИ

Мен мутолаа қылган машхур асарлардан бирида радио билан боғлиқ шундай эпизод бор. Яъни бир гуруҳ маслак дошлар ўзлари учун қизиқарли бўлган эшииттиришни биргалиқда тинглаш учун бир уйга тўпланишади. Эшииттириш роппа-роса 19.00 да эфирга узатилиши керак. Бироқ ҳудди шу вақтда ўзлари учун керакли бўлган тўлқинда жимлик зди. Қўл соатларига ишончсизлик билан қарашади, транзистор мурватини бошқа тўлқинларига ростлаб кўрадилар, уларда аллақачон бу соатта мўлжалланган дастурлар бошланиб кетган. Яна ўзлари тингламоқчи бўлган тўлқинга қайтишади. Бу ерда ҳамон жимлик. Икки дақиқалик танаффусдан сўнг улар қизиқарли деб билган эшииттириш бошланади. Диктор кечикканлиги учун тингловчилардан кечирим ҳам сўрамасдан дастурни бошлаб юборади. Шунда шинавандаларнинг ҳафсаласи пир бўлади. Икки дақиқа кечикиб эфирга чиқадиган, яна бунинг учун кечирим ҳам сўрамайдиган радиони тинглашдан боп тортадилар. Ҳудди шу воқеа сабаб бўлиб, уша мамлакатта нисбатан ишончсизлик билдиришади.

Тўгри, аслида бу ерда бошқа масала ҳам бор. Лекин радиоэшииттишлар ўз вақтида чиқиши, айрим сабаблар билан бир оз кечикадиган бўлса, бунинг учун мухлислардан узр сўралиши лозимлиги бу ерда ишлайдиган ходимларнинг, айниқса режиссёрнинг зиммасига жуда катта масъулият юклатилганлигидан далолатdir.

Театрда “Томошибин ҳар доим ҳақ”, деган гап бор. Шундан келиб чиқадиган бўлсан, биз учун тингловчининг гапи муҳим аҳамиятта эгадир. Аксарият ҳолларда энг инжиқ тингловчилар айни пайтда ашаддий мухлислар бўлиши амалиётда кўп бор исботланган. Шунинг учун режиссёр ҳар доим ишга масъулият билан ёндашишига тўгри келади. Масъулият, деганда эса тор маънодаги ишга ўз вақтида келиш, эфир соатларини ўз вақтида, бенуқсон ўтказишдангина иборат эмас. Тўгри, бу ҳам муҳим. Энг катта масъулиятсизлик эса эфир маданияти, бошловчининг нутқи назоратсизлиги ва шу каби қатор омиллар билан боғлиқ.

Ўзбек тилидаги эшииттишларга режиссёрлик қиладиган

одам ўзбек тилини нафақат чуқур билиши, балки унга нисбатан юксак ҳурмат руҳида тарбияланган бўлиши ҳам лозим.

Биласиз, мамлакатимиздаги ҳар бир вилоят, ҳар бир туманинг ўз шевалари бор. Одамлар кундалик турмушда шевада гапиришга одатланган. Бу нарса баъзан радиобошливларнинг нутқида ҳам акс этиб туради. Бу — жуда ёмон. Тошкентлик бошловчи эфирда Тошкент шевасида, водийлик ёки сурхондарёликлар ўз лаҳжасида гапириб кетаверса, ниҳоятда хунук ҳолатdir. Энг ёмони, бу — режиссёрнинг ҳам ўз ишига совуққонлик билан қараёттанилигидан далолат беради. Чунки у бошловчидан адабий тилда гапиришни талаб қилиши зарур. Билмаса, ўргатиб бўлсада, бунга эришиши лозим. Бунинг учун эса аввало ўзи адабий тил билан шевани фарқлай олиши, давлат тилининг қадрини юқори тутиши керак бўлади.

Мазкур китобни ёзиш асносида “Ўзбек тилининг изоҳли лугати”га қайта-қайта мурожаат қилишга тўғри келди. Шу нарсага амин бўлдимки, тилимиз ниҳоятда бой. Жуда кўп чиройли, оҳангдор, жимжимадор, маънодор сўзларимиз амалиётда қўлланимасдан, эътибордан четда қолаёттан экан. Шунинг учун бошловчиларимизнинг лугат бойлиги анча камбагаллашиб боряпти. Назаримда, ўзбек тилининг бутун гўзаллигини, катта имкониятларини кўрсатувчи бундай чиройли сўзларни истеъмолга олиб кириш ҳам радиожурналистларимиз зиммасига залворли масъулият юклайди. Унтилиб кетаётган лисоний бирикмаларимизни фаоллаштириш жараёнида эса радиорежиссёrlар ҳам бир қадар сергакроқ бўлмоги талаб этилади.

Аслида шевалар адабий тилнинг озиқ манбаларидан ҳисобланади. Аммо лоқайд ва бепарво инсонларнинг “беминнат хизмати” эвазига улар адабий тилнинг кушандасига айланиб қолмаслиги керак.

Тил билан боғлиқ яна бир масала хорижий сўзларнинг тўғри қўлланилиши ҳақида бўлади. Ҳеч кимга сир эмас, мустақиллик йилларида тилимиз жуда кўп чет эл сўзлари ҳисобига бойиди. Уларнинг кўпчилиги иқтисодий ислоҳотлар, илм-фан тараққиёти ва шунга ўхшаш омиллар билан боғлиқ. Биргина компьютерлаштириш тизими орқали қанча-

лаб сўзларни ўзлаштирганимизни яхши билсангиз керак. Ёки бўлмаса, 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида тилимизга деверсификация, деган иқтисодий атама кириб келди. Бунга ўхшаш сўзларнинг радиосуҳандонлар, бошловчилар томонидан тўғри талаффуз этилишини назорат қилиб турадиган инсонлар ҳам айнан режиссёrlар ҳисобланади.

Шу ўринда биргина мисол келтириб ўтишим мумкин, " texaco " " тексако " деб ўқилишини кимдир билиши мумкин, афсуски " техако " деб ўқийдиганлар ҳам учраб туради. Бундай нозик жараённи бошқариб бораёттан режиссёр иш вақтида хатоликка йўл қўймаслиги учун чет тилларини яхши билиши, сиёсий вазиятлардан хабардор бўлмоги талаб этиладики, булар ҳам ўз навбатида радиорежиссёرنинг масъулияти билан боғлиқ.

Тажриба орттириш, касб маҳоратини муттасил ошириб бориш, ўз устида тинимсиз ишлаш ва доимий изланишда булишни ўзининг бурчига айлантирган режиссёр касбига нисбатан масъулият ҳиссини туйган мутахассисдир. Чунки у ўрганишдан тўхтаса, ҳар қанча тажрибали, жуда маҳоратли бўлсада, замондан орқада қолиши шубҳасиз. Бирор йўналишта ихтисослашиб эса режиссёренинг энг катта ютуқларидан саналади.



"Машъал" ижодкорлари.



Ахаджон Курбонов ва Элдор Эргашев.



Шерзод Холматов (чапдан иккинчи) спорт ролигини тайёрламоқда.



Маъмуржон Абдиев, Аҳаджон Қурбонов ва Раъно Мухамедова
эшиттириш матнини кўриб чиқишишмоқда.

РАДИОРЕЖИССЁРНИНГ ИХТИСОСЛАШУВИ

— Бир сафар гўтидан-тўгри эфир пайтида студияга қўнтироқ бўлди, — деб эслайди “Машъал” радиоканали трансляция режиссёри Шерзод Холматов. — Телефон қилган одам мени сўраётган экан. Танишларимдан бўлса керак, деб ўйласам, мутлақо нотаниш овоз. “Ҳайрон бўлманг, мени танимайсиз, “Машъал”нинг доимий муҳлислариданман”, деди. Айнан мени сўраётганининг ҳам сабаби бор экан. У ҳар доим спорт хабарларимизни тинглаб бораркан. Айниқса, стадионлардан узатиладиган трансляцияларни тинглаб, маза қиларкан. Уларга асосан мен режиссёрик қилишимни яхши билган муҳлис Европа чемпионатига оид бир савол берса, денг. Довдираб қолдим. Жавоб берай, десам, билмайман. Оғир вазиятдан мени муҳлиснинг ўзи кутқарди: “Демак, сиз Шерзод Холматов бўлмасангиз керак. У бу саволга албатта жавоб қайтарган бўларди”, деб гўшакни қўйди. Шу воқеа сабаб бўлди-ю спорт ҳаётига оид барча маълумотларни билиб боришга интиладиган бўлдим, —дейди Шерзод дўстимиз.

Ҳақиқатдан ҳам шундай бўлди, у спорт йўналишига бутунлай ихтисослашди. Ҳозир “Машъал”да спорт ҳаётига оид ийрик эшиттиришлар, радиофильмлардан тортиб, роликлар, ҳатто анонсларни ҳам ўзи тайёрлайди. Роликларнинг матнини ҳам ўзи ўқыйди. Агар “Машъал”нинг республикамиздаги биринчи ва ягона спорт радиоканали эканлигини инобатта олсак, бу жуда яхши натижадир.

— Спортта оид роликларни ўқишида спортга хос шиддатни сақлаб қолиш керак. Бундан ташқари, кўтаринки руҳ, ички шижоат сезилиб турмаса бўлмайди, — дейди Шерзод тажрибалари билан ўртоқлашар экан.

Шерзоднинг бу ихтисослашувидан радиоканал ҳам ютди. Нега? Чунки у спорт ишқибозларининг талаби, эҳтиёжларини яхши тушунади. Шунга мос эшиттиришлар тайёрлайди. Бугунги кунда Тошкент радиоэшиттириш уйи архив фондида у тайёрлаган ногирон спортчилар хусусидаги “Матонат”, “Пахтакор—79” жамоаси хотирасига багишланган “Самога сочилган юлдузлар” каби радиофильмлар сақланмоқда.

Бутунги кунда Тошкент шаҳридаги стадионларда ўткази-

ладиган нуфузли футбол мусобақалари тұғридан-тұгри эфирга трансляция қилиниши йўлга қўйилган. Бу борада яхшигина тажриба тұпланған, деб айтсак, хато бўлмайди. "Машъал" радиоканалида эфир талабларига тұла жавоб берадиган спорт шарҳловчилари гуруҳи ҳам шаклланиб улгурган. Шу ўринда, мамлакатимиз радиоси тарихида футбол репортажи биринчи марта қаңон трансляция қилинған, деган саволга ҳам жавоб бериб ўтсак, менимча фойдадан холи бўлмас. Манбаларда қайд этилишича, 1956 йилда Ўзбекистон радиоси футбол репортажини стадиондан биринчи ма-ротаба эфирга узатган экан. Демак, бугунги кунда Шерзод Холматов муваффақиятли тарзда давом эттираёттан футбол репортажлари ҳам ўзига хос тарихга зга.

Бугунги кунда "журналистлар ихтисослапуви" деган ибора кўп гапирилмоқда. Юртимиизда, қолаверса, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси таркибидағи телерадиоканалларда ҳам сиёсий шарҳловчилар, иқтисодий шарҳловчилар, таълим, фан, маданият, санъат ва спорт йўналишлари бўйича фаолият кўрсатаёттан журналистлар борлигини инобатга оладиган бўлсак, режиссёрларнинг ҳам ихтисослашишини давр талабларидан бири сифатида кўрсатиш мумкин.

Мисол учун, устоз режиссёр Тұхфа Иброҳимованинг деярли бутун фаолияти болалар муҳарририяти билан bogliq ҳолда уттани ҳам режиссёрнинг ихтисослашувига яхши мисол бўла олади. Бугунги кунда архив фондида у киши тайёрлаган жуда кўплаб эртаклар сақланмоқда. Уларнинг айримларида матнларни ўзи ўқиган бўлса, баъзиларида айиқнинг онаси, қўённинг ҳоласи каби болаларбоп роллар ижро этган. "Оқшом эртаклари", "Бор эканда, йўқ экан..." каби дастурлар ҳақида тақтанды күпчиликнинг кўз олдига Мариям Ёқубова, Жура Тоғиев, Яира Абдуллаева каби таникли актёrlар келиши табиий. Айнан ўша санъаткорларни радиостудияга чорлаб, қўлига эртак тутқазган, айрим эпизодларни қайта-қайта ёзиб, болаларбоп етук санъат асарлари яратган эса бизнинг Тұхфа опамиз эканлиги тингловчиларнинг хаёлига ҳам келмаслиги мумкин.

Хуллас, радиорежиссёрларнинг фаолиятини кузатиб бораёттан киши кимнинг қайси мавзуга ихтисослашганлиги-

ни англаб етиши қийин эмас. Масалан, Гулчеҳра Гиёсова, Собиржон Содиқов каби устозларнинг "жамгарма"ларида радиопостановка, радиопьеса, радиоспектакль, радиомонтаж, радиокитоб каби жанрлардаги йирик асарлар асосий уринни эгаллади. Улар худда шу йўналишдаги асарларни яратишдан завқланади, роҳат олади, қисқача қилиб айтганда ҳаётининг мазмунини шунда, деб билади. Ҳозирги ёш ҳамкасларимиздан бири Алишер Амироннинг ҳам қизиқишлиари айнан адабий-драматик эшиттиришлар тайёрлашга йўналтирилган. Алишер ҳатто бир сафар "Садо" газетаси мухбирига берган интервьюсида "Режиссёр фақат жонли эфирда ишласин!" деган талаб қўйилса, мен уша куниёқ бу соҳани тарқ этишим мумкин. Чунки жонли эфирда режиссёрнинг маҳорати уччалик билинмайди. Имкониятлари анча чекланган, чегараланган бўлади. Бундай усулда ишлашнинг режиссёр учун завқи йўқроқ", деган кескин фикрларни билдирган эди.

Алишернинг бундай фикрларини мутлақ ҳақиқат, дейишдан йироқмиз, албатта. Негаки, бу гапга қатъий эътиroz билдирадиган, режиссёрнинг ижодий потенциали айнан тўғридан-тўғри эфирда билинади, дейдиган ҳамкасларимиз ҳам анча-мунча. Кейинги йилларда радиорежиссурага кириб келган ёпи дўстларимиз худди шундай фикрда, десам, менимча, хато қилмаган бўламан. Янгидан-янги роликлар, жингл ва шшилькалар яратиб, янгича лойиҳаларга қўл ураёттан бу авлод режиссёрлари ҳақида ҳам илиқ муносабатлар билдиришимиш мумкин. Баъзан қирқ йиллик тажрибага эга бўлган мутахассислар ҳам ана шундай ёш ижодкорлардан ёрдам сўрашига ўз фаолиятимда кўп бор гувоҳ бўлганман.

Тўғри, режиссёрлар орасида эшиттириш сценарийсини ўзи ёзадиган ижодкорлар кўпаймоқда. Ўз навбатида, нафақат қизиқарли мавзулар топиб, яхши эшиттиришлар тайёрлай оладиган, балки маҳорати билан режиссёрларга сабоқ берадиган муҳаррирлар ҳам учраб туради. Масалан, Қудрат Аҳмедов ана шундай ижодкор. Кўпчилик режиссёрлар уни устозлари қаторида санайди. Қудрат ҳақида фикр билдирад экан, Насимжон Муинов шундай дейди:

— Мен Қудратни кўп йиллардан бўёя яхши биламан. У

журналист бұла туриб, күплаб режиссёrlарнинг бевосита устози ҳисобланады. Яғни уларга замонавий радиорежиссура нима зеканигини, компьютер имкониятларидан қандай самарали фойдаланиш зарурлигини ўргатди. У йигирма дақиқалык әшиттириша айтилиши мүмкин бұлғая залворлы фикрларни беш дақиқа ичіда тингловчига етказиш мүмкінligини амалда исботлади. Бунинг учун режиссёрдан жуда катта маҳорат талаб этилади.

Дарҳақиқат, Құдрат Ахмедов унча-мунча режиссёrlаримиз ҳанузгача яхши билмайдыган, аммо дунё тажрибасыда кең құлланилаёттан аудиомонтаж дастурларининг күпчилигини мүкаммал үзлаштирган. Масалан: Pro Tools, Sound Forge, Digiton DT-FM, Dalet, Samplitude, Cool Edit Pro каби дастурлар шулар жумласидандыр.

Құдратни бугунғы күннинг Набижон Ҳасанови дейиши мүмкін. Чунки у ҳам радиодаги фаолиятининг дастлабки йилларидағेқ радиорежиссурага бир нечта яягиликлар олиб киришга улгурды. Хусусан, радиомультфильм жанрининг кашф этилиши айнау унинг номи билан bogliq. У яраттан бир-биридан қызықарлы, юксак тарбиявий ақамиятта зға бұлған, зәңг муҳими, нафақат жажжи болакайлар, балки кattаларни ҳам сеxрлаб құядыган үnlab радиомультфильмлар радиомизнинг архив фондида сақлаймоқда.

— Компьютерда овозларни ингичкалаштириш, йүгонлаштириш, тезлаштириш ёхуд секинлаштириш, умуман хоҳлаган күйга солиш имконияти борлигини бугун ҳаммамиз яхши биламиз, — дейди у. — Аммо Тошкент радиоәшиттириш уйи студияларига илк бор компьютерлар келтирилиб ўрнатылғанда ҳали буни күпчилик билмесди. Радиомультфильм яратиш ҳақидағы фикр ана шу қурайликтин англаб етганимдан сүнг пайдо бұлды. Тажриба тариқасыда халқ ертаклари асосида бир-иккита мультфильм ишладым. Улар эфирға узатылғач, мухлисларга манзур бұлды.

Унинг айтишича, радиомультфильм яратышнинг енгил томонлари күп. Масалан, таниқли ёки машхур, жиллақурса, яхши овозға зға бұлған санъаткорларни жалб этиштеге мутлақо ҳожат йўқ. Овоз қандай бўлиши ақамиятсиз. Чунки монтаж жараённанда бу овозларга үзгача шакл берилади. Бун-

дан ташқари, сценарийлар тақчиллиги ҳам кузатилмайди. Хуллас, радиомультфильм катта харажат талаб этмайдиган, оммабол жанрдир.

Дарҳақиқат, мавжуд имкониятлардан унумли фойдалана-ётган инсонларгина нафақат радиорежиссура, балки бошқа соҳаларда ҳам юқори натижаларни қўлга киритиши барчамизга яхши маълум. Радиорежиссёргининг бирон бир йўналишга ихтинослашиши ҳам ушбу тизимнинг янада тараққий этишига хизмат қиласди.

Юқорида билдирилган мулоҳазалар, келтирилган фикрларнинг ҳаммаси ҳамкасларимизнинг бир неча йиллик фаолияти давомида тўплаган тажрибаси, кузатишлари туфайли англаб еттан хуросалари маҳсулидир.

Дарвоқе, биз ҳаётий фаолиятимиз давомида бирор тўсиққа дуч келсак, дарров катталардан маслаҳат олишга, уларнинг насиҳатларига таянган ҳолда иш юритишга одатланганимиз. Чунки муайян тажриба тўплаш ва маълум бир хуросага келиш учун инсоннинг ёши ҳам шунга яраша бўлмоги талаб этилади. Радиорежиссурада ҳам ёш, менимча, муҳим аҳамиятта эга.

РАДИОРЕЖИССЁРНИНГ ЁШИ

— Биз институтта қабул қилинганимизда, устозларимиз ҳайрон булиб, “Қандай қилиб тажрибасиз, режиссёрликдан хабари бұлмаган, мактабни кечагина битирған болаларни олишди?” — дейишганди, — деб хотирлайди Нодир Комилов матбуот орқали қилинган сұхбатлардан бирида. — Бу табиий савол эди аслида. Чунки жаңон амалиётида ҳам бундай олий таълим муассасаларига маълум бир тажрибага, тушунчага зга бўлганлар қабул қилинади.

Нодиржоннинг бу гапларида жуда чуқур ҳаёт ҳақиқати мужассам. Менинг фикримча ҳам шундай, ҳатто олий ўқув юртига қабул қилиш вақтидаёқ абигуриентларга аниқ тажриба, малака билан bogliq мезонлар қўйилиши керак.

Ўрта мактаб, академик лицей ёки касб-ҳунар коллежидан олий ўқув юртига қабул қилинганды, ўртада амалий фаолият билан bogliq жараёнларни бошидан кечирмаганды талаба институт ёки университетда ҳам ўзини худди осмондан туштандек ҳис қилиши, режиссура нималигини англаб-англамай олий маълумотли мутахассисга айланиши, ишга қабул қилингач эса, ҳаммасини жайдари тил билан айтганда “нол” дан бошлиши амалий фаолиятимиз давомида кўп бора кузатилган.

Англаганингиздек, Нодиржон ўртага ташлаган ва мен давом эттираёттан масала бевосита ёшга, радиорежиссёрнинг муваффақияти ва ёш мутаносиблигига келиб тақалади.

Яна бир фикр.

Устоз Собиржон Содиқов бир даврада қизиқ гап айтдиди, айни ўринда ушбу мулоҳазаларни ҳам келтириб ўтиш жоиз, деб ҳисоблайман.

— Ёшга ҳам кўп нарса bogliq экан, — дейди у. — Бир пайтлар вақтим кўп, имкониятларим бисёр эди. Аммо ёш бўлганим туфайли машҳур санъаткорларни студияга таклиф қилиш, улар иштирокида ўлмас асарлар яратишга журъатим етмаган. Йўқ, нолимайман. Кўп ишларга улгурдим. Аммо истиҳола қилганимни айтаман-да. Бугун шу ёшимда Ўзбекистоннинг энг довруқли актёrlарини чақириш, улар билан bemalol ишлашим мумкин, — деган эди Собиржон ака.




Таникли сухандон Шокир Юсупов режиссёр Гулжахон Исмоилова билан эшиттириш матнини кўздан кечиришаётти.



"Ёшлар" радиоканалининг тажрибали режиссёри Рустам Расулов (ўнгдан биринчى), режиссёр асистенти Мухаррам Ҳошимова ва режиссёр Дилноза Довурова замонавий ускуналарнинг имкониятларини ўрганишмоқда.



Ижодкорлар Саида Ҳайбатова, Зулфизар Каримова ва
Лола Шодиева.



Наргиза Мирзаева
радиомизнинг тиниб-
тинчимас режиссёrlаридан.



Гүзәл Мұхәмедова "Тандаги
жоним "Тановар" әшіттириши
учун "MTRK SOVRIN" күрік-
танлови галиби.

Агар эътибор бериб қаралса, ҳамкасларимиз муайян тажриба тўплаган, бир неча йил шу касбда ишлаб, керакли малакага эга бўлгандан кейингина ўзларининг энг сара асаларини яратишган. Шуларни инобатга оладиган бўлсак, шунингдек, бошқа қатор омилларга кўра, радиорежиссурада ёш ҳам ҳал қилувчи аҳамиятта эга, деган хуноса чиқариш мумкин.

Бу — масаланинг бир томони. Иккинчи томони шундаки, аксарият катта ёшли ҳамкасларимиз бугунги кунда замонавий жиҳозлар билан ишлашда анча қийналишяпти. Уларни мукаммал ўзлаштириб олишга эриша олмаётганлиги ҳам бор гап. Аксинча, ёш режиссрлар бу соҳада қандайдир қизиқ топилмалар қилаётганлиги, янгиша шакллар устида излангаётганлигини иш фаолиятимиз давомида кузатиб келляпмиз. Улардаги ёшликка хос шижоат эфирда ўз аксини топмоқда.

Демак, бу соҳада “Олтин ўрталиқ”ни топиш муҳим. Бизнингча, яхши режисср бўлишда ёшимиз ҳам муҳим аҳамиятта эга.

ЯХШИ РЕЖИССЁР КИМ?

Соҳамизга оид адабиётлардан бирида “уртача режисср” тушунчасига таъриф берилган. Унда айтилишича, “уртача режисср”, дейилганда ишга мутлақо тез киришадиган, турли манбалардан тезкор равишда ахборот оладиган, суҳбат олиб боришга доим тайёр турадиган мутахассис тасаввур қилинади. У гапга чечан, ҳамманинг олдида суҳбатдошга таъсир ўtkаза олиши даркор. Инсонлар билан суҳбатда у доим ижобий қиёфада намоён бўлади.

“Уртача режисср”нинг яна бир жиҳати унинг ўзлиги, яъни ўзини тутиши, ҳаётта аниқ муносабатда бўлишидадир. У ўз кучига ишонади, турли ҳаётий вазиятлардан марданавор чиқади. Бундай жиҳатлар одатда жамоадаги етакчиларга хос бўлади.

“Уртача режисср” юқори руҳий салоҳиятта эга. Аммо тайёрлаган маҳсулоти одатий, оригинал ёндашувдан узоқда бўлади. Унинг тайёрлаган маҳсулотларида глобал муаммо-

лар қўйилмайди, аксинча, турли қарама-қарши фикрлар тўғнашувидан кўра субъектив фикрлар ёки олдиндан маълум бўлган мулоҳазалар асосида тузилиши мумкин.

Келтирилган мазкур мулоҳазаларга қараб ўзингиз таниган-билган режиссёrlар ҳақида муайян тасаввурга эга бўлишингиз мумкин. Яъни, қайси бирлари юқоридаги таърифга тўла мос келса, у, демак, "ўртача режиссёр". Лекин мен айни ўринда яхши режиссёр ҳақида сўз юритмоқчиман.

Мен ва мен тенги авлод тарбиясини олишга улгурган устоз режиссёrlардан бири, шубҳасиз, Раҳмат Жумаев эди. Раҳмат ака, тўгрисини айтиш керак, унчалик узоқ умр кўрмади. Аммо кам ҳам эмас. Айниқса яратган маҳсулотларига қараб баҳо бериладиган бўлса, анча сермаҳсул, сермазмун умр кечирганига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Раҳмат ака умрининг сўнгги лаҳзаларигача "яхши режиссёр", деган шарафли номга лойиқ қолган ҳолда, бир-биридан қизиқарли, улмас асарлар яратишга муваффақ бўлди. Шукур Холмирзаевнинг "Булат тўсган ой", Эркин Самандарнинг "Жалолиддин Мангуберди", Омон Мухторнинг "Мавлоно Лутфий", Эркин Аъзамнинг "Пиёда" каби асарлари асосида яратилган радиоасарлар фикримизнинг исботидир.

Дарвоҳе, мисол сифатида келтирганларимиз устоз меросининг кичик бир қисми холос. Аслида эса бу мўътабар меросни улкан уммонга, чексиз-чегарасиз коинотга қиёслаш мумкин.

Раҳмат ака яхши сухандон эди. Шеърий ва насрый матнларни бир хил тарзда меъёрига етказиб ўқирди. Адабиёт, мусиқа ва санъетнинг бошқа турлари билан ҳам яхши таниш эди. Шунинг учун бўлса керак, ўз даврининг етук адиллари, композитор ва актёрлари у кишини қаттиқ ҳурмат қилишарди. Мен ана шундай ҳурмат намунасини ўзбек элининг атоқли адаби Шукур Холмирзаев тимсолида ўз кўзим билан кўрдим. Шукур ака радиога Раҳмат ака туфайли тез-тез келар, икки ўртоқ узоқ суҳбатлашишарди. Янги пайдо бўлган роман ва қиссалар, ҳикояларни таҳлил этишарди. Биз ҳам бир чеккада ўтириб, бу суҳбатлардан баҳраманд бўлардик.

Раҳмат ака вафот эттаниларидан сўнг ҳам Шукур Холмир-

заев бизга, айниқса Раҳмат аканинг яқин шогирди бўлган Алишер Амировга яхши муносабатини сақлаб қолди. Афсуски, Шукур ака ҳам устозимииздан ўтказиб узоқ умр кўрмади. Бир-икки йил ичидәёқ уёқ-буёғини йигингтириб, бизга ўзидан илиқ хотиралар қолдириб, боқий дунёга жўнаб кетди.

Биз Раҳмат Жумаевга "яхши режиссёр", деган таърифни беряпмиз. Дарҳақиқат, бу устозда кузатилган сифатлар юқоридаги "ўртача режиссёр" мезонларидан устун эди. Чунки у кишининг маҳсулотлари ҳар доим оригинал услубда бўларди. Масалан, умрининг сўнгги йилларида ўзбек радио-режиссураси тарихида алоҳида саҳифа бўлишга арзирли бир янгиликка қўл урдики, бу ҳам устозимиизнинг "яхши режиссёр" эканидан далолат беради.

Гап шундаки, устоз 1999 йилда "Ҳар дарднинг давоси бор" радиосериалини тайёрлашга киришди. Тингловчилар қалбидан чуқур жой эгаллаган, мутахассисларнинг эътирофла-рига сазовор бўлган мазкур асар салкам ўн йил, яъни 2008 йилларгача давом этди. Унинг умумий сони бир неча юзлаб серияларни ташкил этди, десак ҳеч қандай муболага эмас. Устоз вафот эттанидан кейин ҳам Алишер сериални тингловчиларга тақдим этиб келди. Кейин эса тўхтади.

Тўгри, унинг тўхтатилиш сабаблари ижодий маънодаги етишмовчилик билан бօғлиқ эмас. У ЮНЕСКОнинг ахоли-шунослик жамгармаси билан ҳамкорликда тайёрланарди. Шу ҳақдаги шартнома муддати тутагандан кейин бу йўналишдаги ишлар ҳам тўхтатилди. Аммо, Раҳмат аканинг тажрибаси ўлароқ пайдо бўлган янги радиосериал жанри бу гунги кунда ҳам имконият даражасида устозларимиз томонидан давом эттирилмоқда. Масалан, Собиржон Содиқов ушбу жанрга оид бўлган маҳсулотлар яратиб келяпти.

Ушбу жанрнинг эътиборли томонлари ҳақида ҳам бир оз тўхталадиган бўлсак, бу йўналишдаги маҳсулотлар, биринчи навбатда замонавийлиги билан аҳамиятлиdir. Чунки бутунги замон тингловчиси бир бошлангандан узунасига бир-икки соат давом этадиган йирик хронометражли асарларни тинглашга тоқат қиласкермайди. Бунга вақти ҳам етишмаслиги мумкин. Узоги билан ўн-ўн беш дақиқа давом этадиган ўткир сюжетли сериаллар тингловчига манзур бўлиши мумкин.

Шундай экан, радиорежиссура соҳасига кириб келаётган ёш режиссёrlарга айтадиган гапим шуки, ҳар доим "яҳши режиссёр" бўлишга интилинг. "Ўртacha режиссёр" даражасида қолиб кетманг. Чунки тарих ҳам яҳши мутахассисларни ўз саҳифаларида узоқ йиллар ардоқлаб юради, худди Неъмат Дўстхўжаев, Набижон Ҳасанов, Рустам Қурбонов, Раҳмат Жумаев ёки Воҳиджон Дўстмуҳамедовларнинг хотираси авлодлар қалбида ҳамон сақланиб келаёттани сингари.

Яҳши радиорежиссёр бўлишнинг муҳим шартларидан яна бири, шубҳасиз ходимнинг ўз-ўзига бўлган ишончидир.

РАДИОРЕЖИССЁРНИНГ ЎЗ-ЎЗИГА ИШОНЧИ

Аслида бу дунёдаги барча касб эталаридан талаб қилинадиган муҳим хусусиятлардан бири инсоннинг ўз-ўзига бўлган ишончидир. Ўзига, билими, маҳорати, фантазияси, истеъоди ва қобилиятига ишонмаган киши танлаган касби бўйича бирор муваффақиятга эришиши даргумон. Шу жумаладан радиорежиссурада ҳам ишонч муҳим роль уйнайди. "Мен буни қилаоламан", деган қатъий фикрда бўлмаган режиссёр на тўғридан-тўғри эфирда, на ёзиб олинадиган эшиттиришда ўз гояларини муваффақиятли қўллай олмайди.

Баъзан тўғридан-тўғри эфирда айрим ҳамкасларимиз ҳадиксираб туришади. "Хато қилиб қўймасмиканман?" қабилидаги ҳадик режиссёри муқаррар нотўғри йўлга, довдирашга бошлайди. Натижада тушпа-тузук ишлаб турган жойида, кутилмагандага хатога йўл қўяди. Тўгрисини айтиш керак, бироз муболага билан айтганда, қирқ йил пультнинг қаршисида ўтирган киши ҳам эфирнинг масъулиятидан бироз ҳаяжонланиши бор гап. Аммо ҳадик билан ҳаяжоннинг уртасида катта фарқ бор. Ҳаяжон масъулиятни ҳис этишга даҳлдор бўлган туйгу. Яҳши режиссёр бўлмоқчимисиз, аввало ўзинтиздаги ана шу ҳадикни бартараф этиб, ўз-ўзингизга ишончни мустаҳкамлаб олинг.

Радиорежиссёренинг ишончи, менинг назаримда, биринчи галда техник ускуналарнинг имкониятларини яҳши ўзлаштиришдан бошланади. Мураккаб аппаратларни моҳирлик билан бошқаришни ўргангандаги одам камроқ хавотирга бери-

ләди. Иккинчидан, радиорежиссуранинг ички тартиб-қоидаларини билиш, уларга қатъий амал қилиш ҳам бу борада сизга яхши ёрдам бериши шубҳасиз. Чунки, энг қийин вазиятларда устозлар қандай йўл туттганликларини яхшилаб ўрганиш, ҳамкасларнинг ишлаш тартибини кузатиб бориш, уларнинг яхши томонларини ўзлантириш яхши натижа бериши турган гап.

Юқорида амалиёт ҳақида, радиорежиссёрнинг ёши, малакаси, ихтисослашуви каби жиҳатлар ҳақида тўхталган здим. Назаримда ўзимизга бўлган ишонч кўп ишлайш, етарлича тажриба тўплаш, керак бўлса, ихтисослашиш, тинимсиз малака ошириб бориш жараёнларида орттирилади.

Энг муҳими эса, қилаётган ишингиздан лаззат ола билиш. Иш жараёнида бу жуда муҳим. Ўзига ишонган ходимтина ўз муваффақиятларидан лаззат ҳиссини түя олади. Ҳар кунги иш жараёнида нимадир янгилик киритишга, одатдаги қолилларни бироз бўлса-да, ўзгартиришга, энг замонавий усул ва услубларни қўллашга одатланган режиссёрни биз ўзига ишонган, истиқболли мутахассис, дейишимиз мумкин.

Шундай экан, радиорежиссура касбини танладингизми, илк дақиқаларданоқ ўзингизда ишонч туйгусининг мустаҳкамланишига ҳаракат қилинг. Керак бўлса, эҳтиросларингизни бир оз жиловлаб совуққонроқ бўлинг.

СОВУҚҚОНРОҚ БЎЛИНГ

Мен радиорежиссура йўналишини танламоқчи бўлган ўшларга “бироз совуққонроқ бўлинг”, демоқчи бўламан. Аммо масаланинг, яна ҳам аниқроги, бу сўзнинг бошқа томонлари ҳам борлигини эслаб, иккилана бошлийман. Негаки, биз қундалик ҳаётимизда “совуққон” деган сўзга тез-тез дуч келиб турамиз. Газета, журналлар саҳифаларида ҳам бу истилоҳ кўп учрайди. Қизиги, бу сўз ижобий маънога эгами ёки салбий, деган савол пайдо бўлади. Шунга ойдинлик киритиш учун интернетнинг излаш тутмачасини босдим. У ерда ҳам шу ҳолат. Эътиборимни торттани, у спортта оид хабар ва мақолаларда ижобий маънода ишлатилган бўлса, бошқа соҳаларда салбий ҳолатни англатиш мақсадида ишлатилган.

Масалан, бир хабарда бундай дейилган: "Германия терма жамоаси бош муррабийи Йоахим Лёв ОАВга «немис машинаси»нинг «Евро — 2012» даги имкониятлари борасида ўз фикрларини билдириб ўтди. Унинг эътироф этиши бўйича немислар мусобақани ютишига яққол даъвогар жамоалардан бири экан.

«Биз ўлим гуруҳига тушганимиз. Аввало, гуруҳдан чиқишимиш лозим. Кейин финалгача бўлган йўлни босиб ўтишимизга тўғри келади. Тўғри, бу жуда қийин, бироқ удаласа бўладиган вазифа. Бизнинг асосий мақсадимиз — кубокни ўз уйимизга олиб кетиш. Бу мақсад йулида бизни ҳеч қандай тўсиқ ушлаб тура олмайди. Ҳозирги кундаги Германия дунёдаги ҳар қандай рақибнимаглубиятга учратса оладиган салоҳиятга эта», — деган Лёв журналистларга.

"Мен Евро — 2012"ни сабрсизлик билан кутяпман. Бизнинг асосий қуролимиз совуққонлик билан тўп суришимиздир», — деб Йоахим Лёв сўзларидан иқтибос келтиради The Sunday.

Бундай мисоллар кўп. Бошқа йўналишдаги мақолаларда эса "уз вазифасига совуққон муносабатда бўлган" сингари жумлалар келтирилганки, у ёғи ўзингизга маълум.

Шундай бўлсада, радиорежиссерга қўйиладиган талаблардан яна бири совуққонлик, деб бемалол айта оламиш. Чунки "Ўзбек тилининг изоҳли лугати"да бу сўзнинг икки хил маъноси борлиги, биринчиси, бўлар-бўлмасга ҳовлиқиб ёки тутақиб кетмайдиган; оғир, вазмин бўлса, иккинчиси, эътиборсиз, бепарво. Эътиборсизликдан, бепарволикдан Оллоҳнинг ўзи арасину, оғир, вазминлик, салга тутақиб кетмаслик кейинги хатоларингизнинг олдини олишда муҳим роль ўйнашини унутманг.



Маъфура Мұхамедова "Машъал" бошловчиларига үз тажрибаларида сұзлаб беряпти.



"Нур ва зулмат" радиосериалининг ёзилиш жараёни.



Республика телевидение ва радио касб-жүнәр колледжи.



Режиссёлар (чапдаи) Собиржон Содиқов, Рустам Расулов,
Нигора Оргиқова.

ТҮРТИНЧИ ҚИСМ

БУГУНГИ ЎЗБЕК РАДИОРЕЖИССУРАСИ

ИШ ҚУРОЛИНГ СОЗ БҮЛСА...

Халқымизда "Иш қуролинг соз бұлса, машаққатынг оз бұлар", деган доно гап бор. Даржақиқат, донишманд боболаримиз топиб айттан, уста ҳар қанча моҳир бұлмасин, асбоби носоз, нобоп бұлса, иши олға силжимайди. Радиорежиссернинг иши ҳам күп жиҳатдан асбоб-ускуналар билан болғық.

Шу үринде яқындагина бұлиб үтган воқеани зсламоқчиман. Мұхаррир ҳамкасбларимиздан бири ёш таржимон йигитни студияга таклиф қылған экан. Замонавий кийинган, оғир-босиқ, энг муҳими хитой, япон, инглиз, рус ва үзбек тилларида rawоя сўзлайдиган, шу ёшидаёқ дунёning кўплаб давлатларида бўлишга улгурган йигит студиядаги режиссернинг ишини ҳайрат билан кузатиб турди. Белгиланган фурсатларда у билан жонли эфирда сұҳбат үтказилди. Кетар чогида эса мұхаррир қиздан "Режиссер ростдан ҳам пульдаги ҳамма тутмачаларнинг функциясини яхши биладими, адашиб кетмайдими?" деб сўрабди.

Биз учун бир оз кулгили туюлган бу гапнинг тагида аслида жуда катта ҳақиқат мужассам. Ростдан ҳам режиссерлик пультидаги ўнлаб микшерлар, юзлаб катта - кичик тутмачалар, миттигина сариқ, қизил, яшил лампачалар, иккичунта компьютер, мини-диск, қатор телефонлар... буларнинг барчасини бир маромда, бир-бирига мутаносиб ҳолда бошқариш четдан қараган киши учун жуда мураккаб иш.

1997 йил 25 августда "Ўзбекистон телерадиокомпанияси"ни замонавий техника билан жиҳозлаш тўгрисида" Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул килинди. Шу қарорга асосланиб Германиянинг "Siemens" компанияси билан тузилган шартномага мувофиқ Ташкент радиоэшиттириш уйига замонавий жиҳозлар ўрнатилди.

Дарвоқе, биз ҳозиргина тасвирлаган жиҳозлар бугунги куннинг манзараси. Бундан үн беш йиллар олдинги манзаралар бугунгисидан бошқачароқ, бугунги нигоҳ билан қаралса, гарибу нотавонроқ кўринадиган ускуналар ҳам ўз даври учун янгилик бўлган албатта. Ўшаңда ҳам студияга келган муҳмонлар ҳайратта тушган бўлиши мумкин. Ўндан олдинги жиҳозлар яна ҳам оддийроқ, соддароқ бўлган бўлиши табиий.

Граммофонлар, бесунақай овоз кучайтиргич лампалар, катта ва оғир микрофонлар ва шу каби воситалар бутунги жиҳозларимизнинг, образли қилиб айтганда, ота-боболари саналади. Уларда ҳам ўз даврининг энг сара асарлари яратилганилигига шубҳа йўқ. Яна ҳам чуқурроқ қилиб айтиш мумкинки, ўзбек радиорежиссураси ана шу "ибтидойи" аппаратлар замонидан бошлиб ривожланиб келяпти. Бутунги тараққиётимизда уларнинг барчасининг ўз ўрни бор.

Ҳар қандай янгилик — унutilган эскилиқдир, дейишади. Бугунги кунда бизнинг асосий иш қуролимиз ҳисобланган ДВД, СД ёки мини-дисклар қайсиdir жиҳатлари, дейлик, ҳатто кўриниши ва функциясига кўра грампластинкаларни эслатмайдими? Уларни шакли ихчамлашган, дизайнни замонавий, имкониятлари кенгайтирилган, мураккаблаштирилган грампластинка, дейиш мумкин. Ёки замонавий радио-эфирнинг "жони" бўлган компютерларни олиб кўрайлик, дастлабки вақтларда уларнинг ҳар бири ўртача катталиқдаги бир хонага сиқдан. Вазифаси ҳам оддийгина — электрон ҳисоблаш машинаси эди. Бугун эса унинг ҳатто чўнтакка сигадиган "набиралари" ҳам йўқ эмас. Бажарадиган ишларнинг ҳам чек-чегараси йўқ — одам бажариши мумкин бўлган ишларнинг катта қисмини уddaрай олади. Ҳаётимизни уларсиз тасаввур эта олмаймиз.

Қайсиdir бир сұхбатда қизиқ ва жуда ҳаётий гап эшитганман. Тўгриси, бундай ҳолат ҳеч биримизга бегона эмас. Масалан, бозорга тушиб картошканинг нархини сўрайсиз. Килоси 500 сўм дейди. Уч килограмм тортириб, "Қанча бўлди?" дейсиз. У ҳам эринмасдан чўнтагини кавлаштириб, микрокалькулятор чиқариб ҳисоблади ва "Бир ярим минг сўм", дейди. Аслида эса буни сиз ҳам, сотувчи ҳам ўйлаб ўтирмасдан ҳисоблашингиз мумкин. Шунчаки, асримиз техникалашиб кетяпти.

Худди шу каби компьютерларга ҳам ниҳоятда boglaniб қолганимиз. У "темир сандиги"га ҳамма нарсани сидира олади. Умуман, бошка жиҳозларимиз ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Муҳими, улардан ўз вақтида, самарали фойдаланиш керак, холос.

ТОШКЕНТ РАДИОЭШИТТИРИШ УЙИ

Бугунги кунда "O'zbekiston", "Mash'al", "Toshkent" ҳамда "Yoshlar" радиоканаллари ўз эшиттиришларини Тошкент радиоэшиттириш уйига қарашли АСБ (Аппарат-студия блоклари) ҳамда монтажхоналарда тайёрлашади. Дарвоҳе, айни пайтда бу ерда 2 та марказий аппаратхона, 9 та аппаратхона, 10 та монтажхона, 3 та реставрация хонаси ва учта мусиқий студиялар ишлаб турибди. Уларнинг барчаси Германиянинг "Siemens" компанияси жиҳозлари билан тўлиқ таъминланган. Демоқчиманки, бу ерда ўрнатилган шароитлар дунёнинг исталган давлатидаги турдош компаниялар билан рақобатлаша олишимизга ёрдам беради.

Аппарат-студия блоклари ва монтажхоналарда радиоканалларнинг кундалик дастурлари тайёрланиб, эфирга узатилса, реставрация хоналарида мамлакатимизда радиоэшиттириш тизими ташкил этилгандан то ҳозирги кунга қадар шу ерда магнит тасмасига туширилган, архив фондида сақланбаётган овозли ёзувлар СД дискларга кўчирилади. Яъни аналог кўринишидан рақамли шаклга ўтказилади. Бу ҳам бизнинг ишимишни янада яхшилашга қаратилган хайрли амаллардан бири, дейиш мумкин. Мусиқий студияларда эса адабий-драматик эшиттиришлар тайёрланади. Уларда спектакль ёки постановка, инсценировкаларни ёзиш учун зарур бўладиган барча шароитлар муҳайё этилган.

Иш қуролларимизнинг замон руҳига мослигини билдирувчи яна бир жиҳат ҳақида алоҳида тўхталиш лозимки, Тошкент радиоэшиттириш уйидаги барча монтажхона ва аппарат-студия блоклари умумлашган тизимга киритилган. Яъни, муайян бир студияда ёзилган овозни илгаригидек тасмаларга кўчирмасдан, ягона тармоқ орқали бошқа студия ёки монтажхонага ёхуд тўгридан-тўгри эфир компьютерига ўтказиш мумкин.

Тошкент радиоэшиттириш уйи Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси таркибидағи "Respublika teleradiomarkazi" давлат унитар корхонасининг ички тузилмаларидан бири саналади. Уни директор бошқаради. Шунингдек, Бош муҳандис, Техника хавфсизлиги муҳандиси, Радиоэшиттириш-

лар хизмати бошлиги, Таъмирлаш ва профилактика хизмати бошлиги, Овоз ёзиш хизмати бошлиги, Овоз ёзиш хизмати диспетчери, Фонотека сектори мудири, Кўчма овоз ёзиш станцияси хизмати бошлиқ ўринбосари ва бошқа мутасадди раҳбарлари мавжуд. Бу ўринда уларни мен бежиз санаганим йўқ. Эшииттиришларимизнинг ўз вақтида, техник жиҳатдан соз, қизиқарли тарзда тайёрланниши ва эфирга узатилишида барчасининг муайян улуши бор. Масалан, барча турдаги маҳсулотларимиз эфирга қандай шаклда узатилишидан қатъи назар, Овоз ёзиш хизматига қарашли студия ва монтажхоналарда тайёрланади. Хизмат бошлиги Шуҳрат Одилов ижодий ходимларимизга барча шарт-шароитларни яратиб беришга ҳозирку нозир.

Ёки бул маса, Радиоэшииттиришлар хизматини олиб кўрайлик. Овоз ёзиш хизмати студия ва монтажхоналарида тайёрланган маҳсулотларни юқори сифати билан эфирга узатиш айнан Радиоэшииттириш хизмати ходимлари зиммасида. Бундан ташқари, Давлат аҳамиятига молик бўлган йирик анжуманлар, Мустақиллик ва Наврӯз байрами тантаналарида тўғридан-тўғри эфирга узатиладиган репортажлар, футбол трансляциялари, бир пайтнинг ўзида ҳам телевидение, ҳам радио орқали эфирга бериладиган дастурлар ёки аввал радиоканалларда тўғридан-тўғри эфирга узатилиб, кейин эса телеварианти тайёрланадиган кўрсатувларни тайёрлашда ҳам бу хизмат ходимлари ижодий гурӯҳ, хусусан режиссёrlар билан ёнмаён туриб ишлапади. Хизмат бошлиги вазифасида бир неча йиллар фаолият кўрсатган Алишер Қосимов фаоллиги, ўз ишига нисбатан масъулиятни чуқур ҳис қилиши, изланувчанлиги билан барчамизда илиқ таассурот қолдирган. Ҳозирги кунда бу вазифада Фарҳод Гуломов ишлайди. Алишер Қосимов эса Тошкент радиоэшииттириш уйининг Таъмирлаш ва профилактика хизмати бошлиги лавозимида ишлаб келмоқда.

Тошкент радиоэшииттириш уйига қарашли бошқа хизматлар ҳақида ҳам шундай ижобий фикр билдиришмиз мумкин. Масалан, Кўчма овоз ёзиш станция хизмати бошлиқ ўринбосари Қаҳрамон Орипов ўз ишининг устаси бўлиш билан бир вақтда, трансляция жараёнида бошловчи ва ре-

жиссёларнинг мададкорига айланади. Ишнинг бу тахлит ташкил этилиши ва бир маромда давом эттирилишида Тошкент радиоэшиттириш уйи директори Садриддин Курбонов ҳамда бош муҳандис Баҳтиёр Салиховларнинг ҳиссанси катта.

Умуман олганда, бундай имкониятлар биз — ижодий ходимлар, айниқса режиссёларнинг ишини анча енгиллаштирибгина қолмасдан, унумли ва юқори сифатли бўлишини ҳам таъминламоқда.

Замонавий радиотехника жиҳозларидан унумли фойдаланиш бугунги кунда радиоэфир учун муҳим жиҳатлардан бири саналган "формат"га мос тарзда ишлапни ҳам осонлаштиради.

ФОРМАТ

Бир сафар радиорежиссура мавзуси бўйича битирув малякавий иши муҳокамасида қатнашишимга тўғри келди. Муҳокама жуда яхши ўтди. Айниқса, ўша даврада айтилган бир фикр менга қаттиқ таъсир қилди. "Бугунги кунда мамлакатимиизда фаолият кўрсатаётган барча радиоканаллар ўзларининг қатъий форматига эга. Бироз муболага билан айтганда, бир каналнинг форматига тўғри келган биргина сўз ҳам иккинчи каналнинг форматига тўғри келмаслиги мумкин", деди иштирокчилардан бири. Бу ҳақиқатга анча яқин бўлган мулоҳаза эди.

Масалан, кўнгилочар хусусий радиоканалларда ҳам жамиятнинг энг оғир ижтимоий муаммолари ҳақида материаллар берилиши мумкин. Бироқ бу материаллар биз одатлангандек, ўта жиiddий оҳангда, узоқ вақт давом этадиган эшиттириш сифатида эмас, балки қисқача кўринишда, тингловчига тез етиб борадиган шаклда бўлиши мумкин. Келинг, шу ўринда айнан хусусий радиоканалларда берилган энг оғриқли муаммолар тўгрисидаги айрим материалларни келтириб ўтайлик. Мисол учун гиёҳвандлик ҳақида шундай лавҳа берилди:

"Дунё кўзга қоронгу, қалбингда на муҳаббат, на меҳр, на оқибат каби инсоний туйгулар қолган. Қалб бўм-буш! Ёнингда на севгилинг, на фарзандларинг, на ота-онанг, на ёру дўстларинг қолган! Атрофинг ҳам бўм-буш! Сенинг келажа-

гингни порлоқ, ҳаётингни мазмунли қилишга қодир бўлган миянгда бутун фақат биргина ўй қолган! Кўзингга эса фақат бир нарса кўринади. Бунинг сабабчиси нима?

Гиёҳвандлик инсониятнинг энг хавфли, айрим пайтларда енгиб бўлмайдиган душманларидан биридир! Агар сен гиёҳвандлик аталмиш душманингта енгилишни истамасанг, ҳаётнинг нақадар гўзаллигини ҳис қилиш туйгуси ҳали сўнмаган бўлса, кўзингни оч, қабоҳат йўлидан қайт. Ана шу гўзал ҳаётта қайтишга ўзингда куч топ! Сен душманингдан кучлисан! Сен инсонсан!

Ёки чекишнинг нақадар заарли иллат эканлиги ва ундан қутулиш зарурлиги ҳақидаги лавҳага эътибор беринг:

“Агар сиз чекишни ҳозироқ ташласангиз, 20 дақиқадан сўнг артериал босим ва пульс нармал ҳолга қайтади. 8 соатдан сўнг углерод оксиди ва никотин қонда икки баробар камаяди. 24 соатдан кейин, организм углерод оксидидан бутунлай тозаланади. 48 соатдан сўнг организм никотиндан бутунлай халос бўлади. 72 соатдан кейин нафас олиш меъёрлашади. 2-12 ҳафта ичида қон айланиш яхшиланади. 3-9 ҳафта оралигида эса нафас олиш билан боғлиқ муаммолар бутунлай йўқолади. 5 йилдан сўнг юрак хуружи ҳолатлари чекувчиларга нисбатан икки марта камаяди.

Шунча яхшиликларни наҳотки ўзингизга раво кўрмасангиз? Ўйлаб кўринг, танлаш имконияти ўз қўлингизда!!!”

Ёхуд вақт қадри ҳақидаги мана бу сўзларга ҳам эътибор бериб кўринг:

“Лаҳзалар. Шу жуда қисқа вақт нималарга қодир? Масалан, ноль бутун мингдан беш сония вақт ичида асалари қанотини бир марта қоқади. Демак, у бир дақиқада ўн икки минг марта қанот қоқишига улгуради. Ноль бутун юздан икки сония. Киши укол оғригини шунча вақт сезади холос. Ноль бутун ўндан бир сонияда космик кема бир километр масофани босиб ўтади. Бир бутун юздан йигирма беш сонияда ой нури ерга етиб келади. Йигирма сония ўрта ёшли киши юзта сўз айта олиши мумкин бўлган энг қисқа муддат. Бир дақиқада сичқоннинг юраги минг марта уради. Қирқ беш дақиқа. Энг узоқ туш кўриш худди шу муддатдан ошмайди. Бир соату ўн дақиқада чипор сиртлон қирқ беш километр

масофани югуриб ўтади. Йигирма бир кун. Яманда тўй ма-
росими шунча вақт давом этади. Одам юраги бир йилда
икки миллион етти юз олтмиш минг литр қон ҳайдайди. Бир
кун бирон савоб иш қилиш учун етарли фурсат. Бир кун
ота-онага бирон марта қўнгироқ қилиб, ҳол сўраш ёки
йўқлаб қўйиш учун етарли фурсат. Бир кун инсон фарзан-
дига бирон керакли нарсани ўргатиш учун етарли вақт. Бир
кун беозор капалакнинг бутун умри.

Ҳаётимизнинг ҳар бир куни, ҳар бир соати, ҳар бир да-
қиқаси ҳам бесамар ўтмасин.”

Аслида қайсиdir манбадан олинган маълумотлар йигин-
диси бўлган бу сўзлар инсонга кўп нарсани англатишига, ях-
шилик ва эзгулик ҳақида ўйлашга қодир бўлган мулоҳаза-
лар. Айрим радиоканалларда бутун бошли эшиттиришлар
фақат шундай лавҳалардан иборат бўлиши мумкин. Айрим
радиоканалларда эса бу маълумотлар энг камида 15 дақиқа
давом этадиган таҳлилий эшиттиришнинг ичидаги берилади-
ган қисқа эслатмалар бўлади.

Демоқчи бўлганимиз шуки, формат ҳар бир радиоканал-
нинг ўз тингловчилар аудиториясини кенгайтиришда муҳим
аҳамиятга эга. Формат, деганда биз радиоканалнинг йўна-
лигинигина эмас, радиоматериалларнинг эфирга узатилиш
тартиби, уларнинг ҳажми, шакли, мусиқа ритми, ҳатто
сўзларни талаффуз қилиш оҳангини ҳам қамраб оладиган
катта бир тушунчани назарда тутяпмиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил, 8
ноябрдаги «Мустақил телерадио каналларни ислоҳ қилиш
ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўгрисида»ги Фармо-
нида «O'zbekiston» телерадиоканали» давлат унитар корхо-
наси учун, «Sport» телерадиоканали» давлат унитар корхо-
наси учун, «Toshkent» телерадиоканали» давлат унитар кор-
хонаси учун ҳамда «Yoshlar» телерадиоканали» ёпиқ акция-
дорлик жамияти учун алоҳида муҳим вазифалар ва асосий
устувор йўналишлар белгилаб берилган. Ана шу вазифа-
ларни ижро этиш учун таъланган шакл ва услублар мажму-
асини биз формат, деб атаяпмиз. Чунки ҳамкасларимиз
амалиётда бу жараённи шундай номлашади.

Масалан, “Yoshlar” радиоканали ўз номидан ҳам кўри-

ниб турганидек, юртимиз аҳолисининг каттагина қисмини ташкил этадиган ёшларни ўз тингловчилари, деб белгилаган ва эшиттиришлари мавзусини, шаклу шамойили, куй-қушиқларини асосан шу ёпдаги йигит-қизларнинг қизиқишлиари асосида шакллантиришга ҳаракат қилишади. Худди шу сингари, "O'zbekiston", "Mash'al" ва "Toshkent" радиоканалларининг ҳам ўз йўналишлари мавжуд. Дейлик, "Toshkent" радиоканали кўпроқ информацион кўринишга эга бўлса, "Mash'al" спорт ва миллийлик, саломатлик ва соглом турмуш тарзи таргиботи йўналишларига эътибор қаратади. "O'zbekiston" радиоканалининг формати бошқа барча каналларга қараганда анча кенг. Унда мамлакатимиз ва халқаро аҳамиятта эга бўлган муҳим муаммоларга багишланган йирик ҳажмли радиопублицистик маҳсулотларга кўп ўрин ажратилиши анъанага айланган.

Радиорежиссёргининг муваффақиятини белгилашда унинг узи фаолият кўрсатаётган канал форматини яхши англаши ва шунга мос ҳолда иш тутиши муҳим аҳамиятта эга. Буни англаш учун эса сизда касбий тайёргаралик даражаси юқори булиши лозим. Мўъжаз китобчамизнинг дастлабки қисмларидан бирида сизга "Радиорежиссёр бўлмоқчимисиз?" дея савол бергандик. Китобча билан танишиш жараёнида қалбингида шу касбнинг этагини тутиш истаги пайдо бўлган бўлса, мутолаани давом эттиринг. Биз сизга бу касбга яқинлашишнинг йўл-йўриқларини ҳам қисман кўрсатиб ўтмоқчимиз. Эсингизда бўлсин, телерадиорежиссурага дастлабки қадам операторликдан бошланади. Операторлар эса мамлакатимизда ягона бўлган Республика телевидение ва радио касб-хунар коллежида тайёрланади.

РЕСПУБЛИКА ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА РАДИО КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси тизимида юқори технологияли телерадиоускуналардан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тұғрисида" ги 2009 йил 1 апрайдаги ПҚ 1088-сонли қарорига асосан Тошкент шаҳар Бектемир туманида "Республика телевидение ва радио касб-ҳунар колледжи" ташкил қилинди. Колледж ўз фаолиятини 2009-2010 ўқув йили учун 2009 йил 2 сентябрдан ўқувчиларни қабул қилишни бошлади. Колледжнинг асосий мақсади Республика миқёсида юқори технологик замонавий телерадиоускуналарда ишловчи ва ҳар томонлама билимли ҳамда юксак маънавиятли кичик мутахассисларни тайёрлашдаң иборатдир. Бу борада 1997 йил 29 августдаги "Таълим тұғрисида" ги Қонунга ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланған вазифаларга ҳамда Давлат таълим стандартларига асосланған таълим-тарбия ишлари олиб борилади. Бу колледж телерадио йұналиши бүйіча Республикада ягона колледж ҳисобланади.

Колледж қурилиш лойиҳаси бүйіча бир вақтнинг ўзида 360 ўрин ўқувчиларга мүлжалланған ўқув хоналари ҳамда спорт ва ўқув амалиёт хоналари учун 75 ўрин ҳисобға олинған бўлиб, жами 435 ўрин ўқувчини битта сменада ўқитиш имкониятига эгадир.

Хозирги кунда колледжа 5 та мутахассислик бүйіча қўйидаги йұналишлар бүйіча таълим берилади:

Телевидеооператор;

Радиоэшиттириш, радиоалоқа ва телевидение воситаларини ишлатиш ва хизмат кўрсатиш техники;

Овоз ёзиш техник-технологи;

Видеомонтаж техники;

Махсус ёритиш механизми;

Компьютер ва компьютер тармоқларини таъмирлаш ва созлаш бўйича техник;

Бухгалтерия.

Колледжа таълим рус ва ўзбек тилларида олиб борилади.



Режиссёр Нодир Комилов.



Ёш журналист Камолахон
Пұлатова.



Режиссёр Алишер Амиров.



Овоз режиссёри Отабек Мамадиев ва режиссёр Алишер Амиров радиосериал яратиш жараённанда.



Вохиджон Дустмузбеков эшиттириш бошланишидан олдин (марҳум).

Уларга тажрибали ва малакали педагог мутахассислар таълим-тарбия беришади.

Ўқув жараёни бўйича коллежда компьютер, лингфон синфи ва кимё, физика, биология ва ЁЧТ (ёшларни чақириққа тайёрлаш) фанлари бўйича лаборатория хоналари ҳамда спорт зали жиҳозланган. Барча лаборатория ва спорт жиҳозлари ўқув жараёнида тўлиқ ишлатилиб келинади.

Коллежда ахборот-ресурс маркази (АРМ) хоналари мавжуд бўлиб, ҳомийлик асосида "UzNET" провайдер тизими орқали "Зиёнет" интернет тармогига уланган. Коллежда ички интернет тармоги мавжуд бўлиб, унга компьютер синфи ва лингфон синфи ҳамда ахборот-ресурс маркази (АРМ) уланган. Коллеж ахборот-ресурс маркази ўқув қўлланмалари ва бадиий адабиётлар билан таъминланган.

Коллежда ўқувчиларнинг бўш вақтини самарали ва унумли ўтказиш мақсадида фан, спорт ва мутахассислик бўйича тўғараклар ташкил этилган. Асосан телерадио соҳаси бўйича ёш телевидениечи ва радиочи, телерадио техникаларини таъмирловчи ҳамда коллеждаги ёки тумандаги бўлаётган барча тадбирларни видео тасвирга олиш ва уни чиройли монтаж ишлари бўйича ўқувчиларнинг ўзлари томонидан қизиқиш билан бирга олиб борилади.

Янги ўқишига кирган 1-курс ўқувчилари ўз мутахассислигини тўғри танлаши ва шу соҳанинг сир-асрорлари билан яқиндан танишиши мақсадида ҳафтанинг жума кунлари Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясига телевидение ва радионинг технологик иш жараёнлари билан танишиш ва уларнинг касбга бўлган қизиқипларини ошириш учун бепул автобуслар ташкил қилинган ҳолда тасдиқданган режага асосан Тошкент Телемарказига ва Радио уйига гурӯҳ раҳбари бошчилигида боришиди.

Шу билан биргаликда 2010 йил бошидан бошлаб жума кунлари маънавият соатлари ташкил этилган. Уларни мазмунли ва фойдали ўтказиш мақсадида йилнинг асосий энг нишонланадиган саналарига багишлиланган ҳолда Ўзбекистон миллий телердиокомпанияси билан тузилган режага асосан таниқли сиёsatшунослар, миллий сериал ижодкорлари, махсус маънавий-маърифий йўналишдаги дастур ижодкорлари

били учрашувлар, давра сұхбатлари ташкил қилинади. Үндән ташқари ҳафтанинг қолған күнлари доимий тарзда туман ёки бошқа ташкилотлар вакиллари иштирокида ҳамда үқувчи ёшлар томонидан ҳам соңага оид маънавий-маърифий тадбирлар үтказилади. Бу ўз навбатида үқувчиларнинг соңага бўлган қизиқишиларини ортиради ва уларни үқишига келиш давомати яхшилади.

Бу үтказилган тадбирлар ва үқувчилар билан мутахассисларнинг олиб бораётган ишлари телевидение ва радио ҳамда газеталарда ёритилади. Умуман олганда колледж билан ЎзМТРК ўртасида таълим-тарбия ва барча хизматлар бўйича узвий ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Бугунги кунда колледж битирувчиларнинг асосий қисми ЎзМТРК тизимидағи телерадиоканалларда фаолият кўрсатиб келишишмоқда.

Колледж нафақат Республика миқёсида, балки Ўрта Осиёда ҳам ягона ҳисобланади. Шу соңага қизиқувчи үқувчи ёшлар ва дипломга эга бўлмаган мутахассислар ушбу таълим муассасасида таҳсил олишлари мумкин.

Албатта, ишни ташкил этиш, тўгри йўлга қўйиш ва муваффақиятли давом эттириш кўп жиҳатдан раҳбарга ҳам боғлиқ. Ҳудди шу жиҳатларни мазкур колледж мисолида ҳам кўриш мумкин. Бугунги кунда Республика телевидение ва радио касб-хунар колледжида телевидение ва радио соҳасида кўп йиллик тажрибага эга бўлган, анча йиллар тизимда раҳбар лавозимларида ишлаган, амалиётда обдон тобланган етук мутахассис Комилжон Реджепов директор сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Умуман олганда, мазкур касб-хунар колледжида таҳсил олган ёшлар келгусида олий таълим муассасаларида тегишли йўналиш бўйича таҳсил олиб, телерадио режиссура соҳасида самарали фаолият кўрсатишлари мумкин. Юқорида таъкидланганидек, бу улар учун соңа томон қўйилган дастлабки ва муваффақиятли қадам бўлиб қолиши мумкин. Олий маълумотли мутахассисларимиз эса Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида тайёрланади.

ХОТИМА

"Ҳар бир авлод тарихнинг ўзига тегишли саҳифасини ўзи ёзиши лозим", деган эди Президентимиз Ислом Каримов маърузаларидан бирида. Дарҳақиқат, бутун биз яшаёттган давр мустақил Ўзбекистон тарихининг бизга тегишли саҳифасидир. Уни безаш, устозлардан ўтиб келаёттган анъанааларни замон талаблари билан уйгун ҳолда давом эттириб, келгуси авлодларга бус-бутун ҳолида етказиш зиммамизга катта масъулият юклайди.

Биз тенги радиорежиссёrlар авлоди 1990 йиллардан Республика радиосидаги фаолиятини бошлашган. Кўп устозларни кўрдик, уларнинг суҳбатини олдик, ижодий лабораторияси, ишлаш тартиби, қизиқишилари билан яқиндан танипдик. Шу билан бир пайтда ўзимизнинг мустақил йўналишларимизни белгилаб, ўзбек радиорежиссурасининг янги юксалиш погонасига кўтарилишига озми-кўлми ҳисса қўшдик, деб ўйлайман. Чунки ўтган давр мобайнида биз ҳам мамлакатимиз телерадио тизимидағи янгиланишлар тўлқинини бир неча бор кўрдик, уларда ўз иқтидоримиз, салоҳиятимиз даражасида иштирок этдик. Масалан, 1998 йилдан бошлаб, студияларимизга Германиянинг "Siemens" компанияси жиҳозлари кириб кела бошлади. У пайтда биз тенги режиссёrlар авлоди бу қасбнинг сир-синоатларини ҳали унчалик тўла-тўқис англаб етмаган, ҳаваскор ижодкорлар эди. Шу боис катта устозлар сабогини олган Раҳмат Жумаев, Воҳиджон Дўстмуҳаммедов, Муҳаммаджон Сўфиҳўжаев, Санжар Саъдуллаев, Гулчеҳра Гиёсовна, Туҳфа Иброҳимова, Аҳмаджон Рўзиев, Қаҳрамон Ашурев, Қурбонали Исқандарий, Рихсивой Мирзараҳимов, Равшан Мансуров, Собиржон Содиқов, Рустам Расулов, Аброр Мўминов, Садриддин Муҳиддинов, Бахтиёр Йўлдошев, Сирожиддин Тоҷибоев, Мавлуда Мансурова, Абдувоҳид Исҳоқов, Назира Қўзибоева сингари режиссёrlарнинг ҳар бир хатти-ҳараратини кузатардик, нималарнидир ўрганишга, касб сирларини ўзлаштиришга ҳаракат қиласадик.

Дарвоқе, мен биз тенги авлод деганда 1990-2000 йилларда фаолиятини бошлаган ҳамкасларим —Алишер Амиров, Аб-

дуфаттоҳ Дағабоев, Үтқир Тошмуродов, Шерзод Холматов, Шаҳноза Дўстмуҳамедова, Маъмуржон Абдиев, Муқаддас Алимова, Эркин Ирисматов, Диљоза Ҳожиева, Насимjon Муинов, Нодир Комилов, Ҳамид Турсунов, Барно Жалолова, Икромжон Гуломов, Азиз Орипов, Наврӯз Тошматов, Диlobар Саидова, Фазлиддин Муҳиддинов, Асқар Рустамхўжаев, Нодира Эрназарова каби ижодкорларни назарда тутяпман. Аслида бу рўйхатни яна давом этириш мумкин. Соҳамизга татбиқ этилган янги техника ва технологияларнинг имкониятларини кашф этиш, улардан фойдаланган ҳолда замонавий радиорежиссура тамойилларини яратиш асосан бизнинг чекимизга тушди, десам янглишмаган бўламан.

2000 йилдан кейин эса бизнинг соҳага яна бир гурӯҳ ижодкорлар кириб келишди. Таъбир жоиз бўлса, уларга устозлик қилиш, касб сирларини ўргатишни ҳам биз ўз елкамизга олдик. Наргиза Мирзаева, Лолажон Шодиева, Саида Ҳайбатова, Рустам Рӯзиев, Қодир Мамарасулов, Отабек Раҳматов, Даврон Тожибоев, Ҳожиакбар Расулов, Умид Назаров, Гулжаҳон Исмоилова, Нигора Ортиқова ва бошқалар шулар жумласидандир.

Биз номларини санаб утган ҳамкасларимиз сафида нафақат радиорежиссура, балки муаллифлик, сухандонлик, бошловчилик йўналишларида ҳам муваффақият қозонгандар кўпчиликни тапкил этади. Ҳусусан, Диlobар Саидова, Маъмуржон Абдиев, Сайфулла Икромов сингари дўстларимиз Абдулла Матназаров, Муқаддам Жўраева, Тўҳфа Аҳмедова, Шокир Юсупов, Барно Юсупова, Эрназар Ёрбеков, Аҳмаджон Мирзаев, Шаҳноза Иброҳимова, Муслима Муродова каби таниқли сухандонлар билан елкама-елка ижод қилаётган сухандонлар бўлишса, Шаҳноза Дўстмуҳамедова, Саида Ҳайбатова, Шаҳзода Жўраева, Гўзал Муҳамедова, Зулфизар Каримова каби сингилларимизни тингловчилар таниқли бошловчилар сифатида эътироф этишади. Шу билан бир қаторда радиорежиссрларимиз қаторида ўзбек дубляж санъати ривожига муносиб ҳисса қўшаёттан, юқорида айтиб утилганидек, телережиссура йўналишида ҳам ижод қилаётганлар анчагина. Ҳамид Турсунов, Наргиза Мирзакевалар шулар жумласидандир.

евалар шулар жумласидаңдир.

Радиорежиссурамизнинг кейинги авлоди ҳам соҳага кўплаб янгиликларни татбиқ этишга, ижодда ўз имкониятларини кўрсатишга улгурди, деб бемалол айтишимиз мумкин. Бугунти кунда тингловчилар эътиборига ҳавол этилаётган янги лойиҳаларнинг тайёрланаш жараёнида уларнинг муносиб хизмати бор.

Умуман олганда бошқа соҳалар қатори мамлакатимиз радиорежиссураси ҳам тобора тараққий этиб, янги манзиллар сари муттасил одимламоқда. Ёдингизда бўлса, китобимизнинг аввалида "Радиорежиссёр бўлмоқчимисиз?" сарлавҳали мақоламизда "... жиҷду жаҳд айлаган киши узоги билан икки-уч соат миёнасида Ўзбекистонда нечта радиорежиссёр фаолият кўрсатаёттаклигини аниқ-тиниқ ҳисоблаб чиқиши мумкин", деган гапни айтган эдик. Ҳозир шундай маълумотларнинг бир қисмини келтириб ўтмоқчиман демак, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси таркиби-даги "O'zbekiston", "Mash'al", "Toshkent" ва "Yoshlar" радиоканалларида фаолият кўрсатаётган режиссёrlарнинг умумий сони 50 нафар атрофида экан. Ҳолбуки, ушбу каналларнинг ҳар бирининг ўртача бир кунлик эфир вақти 22 соатдан иборат. Радиоэфирни эса режиссёrsиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шундай экан, зиммамиздаги масъулият нечоглиқ катта эканлигини ўзингиз тасаввур қилишингиз мумкин.

МУНДАРИЖА

Сўзбони 3

Биринчи қисм

Режиссура ва ҳаёт	8
Радиорежиссёр бўлмоқчимисиз?	12
Кампир ҳақидағи ривоятнамо ҳақиқат	16
Амалиёт — ҳаёт дарахти	18
Радиожурналистика ва радиорежиссура	24

Иккинчи қисм

Радиорежиссура ва жанрлар	31
Радиоролик	32
Радиоанонс	36
Радиожурналистиканинг бошқа жанрлари режиссураси	39
Адабий радиоасарлар режиссураси	41
Радиорежиссурада эффектлар билан ишлаш	44

Учинчи қисм

Радиорежиссёргининг малака талаблари	49
Режиссура ва радиорежиссура	50
Радиорежиссёргининг малакаси	52
Радиорежиссёргининг масъулияти	60
Радиорежиссёргининг ихтисослашпуви	65
Радиорежиссёргининг ёши	70
Яхши режиссёр ким?	73
Радиорежиссёргининг ўз-ўзига ишончи	76
Совуқконроқ бўлинг	77

Туртинчи қисм

Бутуғги ўзбек радиорежиссураси	81
Иш қуролинг соз бўлса	82
Тошкент радиоэшиттириш уйи	84
Формат	86
Республика телевидение ва радио касб-хунар коллежи	90
Хотима	95

АДАБИЙ - БАДИЙ НАШР

Аҳаджон ҚУРБОНОВ

РАДИОРЕЖИССУРА ОЛАМИ

Муҳаррир:	М. Муродов.
Техник муҳаррир:	Ч. Раҳмонов.
Мусаҳҳих:	М. Муродов.
Саҳифаловчи:	Ш. Алишер қизи.
Бадий безакчи:	Ш. Холмуродова.

Нашриёт лицензия № А1 139, 27.04.2009 йил. Теришга 6.02.2013 йилда берилди. Босишга 05.04.2013 йилда рухсат этилди. Бичими 60x84_{1/16}. Офсет қозози. BalticaТАР гарнитураси. Офсет усулда чоп этилди. Шартли босма табоги 5,81. Нашр босма табоги 4,66. 37-2013-шартнома. 15-буортма. 500 нусхада. 100 бет. Эркин нархда.

«Насаф» нашриёти, 180118, Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кӯчаси, 22-уй.

«Қаршиполиграфнашр» МЧЖда чоп этилди.
180118, Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кӯчаси,
22-уй.

4000 C